

*Расулжон Мирзааҳмедов,
Азизбек Муртазаев, Асилбек Муртазаев*

**МАРҒИЛОН
ЗАМИНИ
ЖАВОҲИРЛАРИ**

«ФАРҒОНА» нашриёти,
2014 йил

УЎК: 94(575.121)
КБК: 63.3(5Ў)
М54

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш Фарғона вилояти Давлат Инспекцияси.

*Ўзбекистон Республикаси Тарихчилар жамияти Фарғона вилояти бўлими.
Марғилон шаҳар хокимлиги, Маънавият маърифат Кенгаши.*

Тақризчилар:

Б. Матбобоев,

тарих фанлари доктори, профессор

Б. Ҳошимов,

Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи директори

Масъул муҳаррир:

М. Исомиддинов

тарих фанлари доктори, профессор

М54 Мирзааҳмедов, Р.

Марғилон замини жавохирлари: илмий-оммабоп нашр/ Р.Мирзааҳмедов, А.Муртазаев. Фарғона:«Фарғона» нашриёти, 2014 йил. – 112 б.

Ушбу китобда Марғилон шаҳри ҳудудидаги XVIII-XIX асрлардан қолган масжиду-мадрасалар, шаҳарнинг структураси, маҳаллалари, ҳунармандчилиги, ўқиш-ўқитиш жараёнлари каби тарихимиз ва маданиятимизга оид кўплаб маълумотлар берилган. Ўйлаймизки, бу китоб кўплаб тарихчиларга ва кенг китобхонлар оммасига манзур бўлади.

ISBN 978-9943-4272-1-1

УЎК: 94(575.121)

КБК: 63.3(5Ў)

1. Муртазаев А.

©Р.Мирзааҳмедов, А.Муртазаев, А.Муртазаев – 2014 й.

©«Фарғона» нашриёти – 2014 й.

МУҲАРРИДАН

Мустақиллик туфайли жаҳон жамоатчилиги дунёда Марғилон деган шаҳар борлигини билишди. Илгари бизнинг ўлкамизда фақат Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари тўғрисида тасаввурлар бўлган. Ўзимизнинг халқимиз эса, Марғилондан бутун ислом дунёсига маълум ва машҳур бўлган Бурҳониддин Марғилонийдек буюк аллома чиққанлигини билишди. Унинг фикҳ-ислом ҳуқуқшунослиги борасида бениҳоя чуқур илмга эга бўлганлиги ва бу соҳада беқиёс дурдоналар яратганлиги туфайли Бурҳон уд-дин ва-л-милла ва Бурҳониддин ал-Марғиноний деб улуғланганлиги билан машҳурдир. Бурҳониддин ал-Марғиноний номига «милла» сўзини қўшиб ёзилишининг сабаби, милла деганда халқ, мусулмонлар тушунилган. Бу ерда олимни улуғлаб, уни ислом оламидаги халқлар ҳамда ислом динининг далили, исботи назарда тутилиб унинг исмига милла сўзини қўшиб айтишган.

Президентимиз Исом Каримов Марғилон шахрининг 2000 йиллиги тантаналарида сўзлаган нутқларида «Марғилон деганда, бетакрор табиати, боғ-роғлари, камалакдек сержило атласлари ўзлимиз рамзига айланиб кетган ранг-баранг дўппилари билан етти иқлимга машҳур бўлган гўзал бир макон кўз ўнгимизда намоён бўлади» деганларида мутлақо ҳақ гапни айтган эдилар.

Марғилоннинг қадимги, ўрта асрлар ва хонлиқлар даври тарихи ватанимизнинг бошқа маълум шаҳарларига нисбатан кам ўрганилганлигича қолди. Фақат мустақиллик туфайли мамлакатимиз шаҳарлари тарихини ўрганишга қизиқиш ортди. Шунинг учун Марғилон шахрини ёшини аниқлаш мақсадида Ўз ФА Археология институтининг экспедицияси уюштирилди. Экспедициянинг бир неча йиллар давомида олиб борган изланишлари туфайлигина бу

шаҳарга бундан 2000 йил аввал тамал тоши қўйилганлиги аниқланди.

Аммо Марғилон шаҳрининг бундан 2000 йил илгари қандай бўлганлигини биз билмаймиз. Масалан шаҳарни арки қандай шаклда ва қаерда бўлган эди. Унинг ибодатхонасининг умумий кўриниши қандай эди, маҳаллалари, аҳолининг турмушини, маданияти қандайлигини биз билмаймиз. Чунки турли сабабларга кўра ва асосан аҳолининг жуда зич яшаганлиги Марғилон воҳасидаги аҳолидан қолган обидалар йўқ бўлиб кетган.

Худди шундай ҳолатни Марғилоннинг илк ва ривожланган ўрта аср қатламлари тўғрисида ҳам айтиш мумкин. Фарғона водийси бўйича ёзма манбалар милоддан илгариги 138-90 йилларга тегишли Хитой элчиларининг хабарлари сақланиб қолган. Аммо Марғилон тўғрисида фақат араб сайёхлари XI аср маълумотларида ва шу даврга оид тангаларда «Маргинан» сўзи «Фарғона» сўзига қўшиб ёзилган. Аслида қорахонийлар даврида Ўзган водийнинг асосий пойтахти бўлиб, асосий танга зарб этиш ҳуқуқи ўша ерда бўлса ҳам, аммо Марғилоннинг водий шаҳарларини ичида айниқса сиёсий ҳаётдаги салоҳиятини катталиги туфайли бу шаҳарга ҳам танга зарб этиш ҳуқуқи берилганга ўхшайди.

XII асрда Марғилон шаҳри дунёга, Бурҳониддин Марғилонийни берди. Шу олим туфайли ислом дунёси Марғилон шаҳрини янада кўпроқ билди.

1219-1220 йилларда бутун Марказий Осиё ерлари қатори Марғилон шаҳри ҳам ер билан яқсон қилинди. Бу ердаги масжид-у мадрасалар, шаҳарнинг маъмурий бинолари бузилди.

Темурийлар даврида Марғилон шаҳри беклари мамлакатнинг бирлигини мустаҳкамлаш, иқтисодини кўтариш ишларида актив қатнашдилар. Аммо соҳибқирон Амир Темура вафотидан кейин мамлакат парокандаликка юз тутди. Бутун мамлакатни бошқариш Абу Саид Мирзонинг ўғилларига бўлиб берилганлиги туфайли Фарғона водийсини бошқариш Умар Шайх Мирзо тегади. Фарғона Умар Шайх Мирзо даврида ўзининг бутунлигини сақлаб қолди.

1499 йилда Умар Шайхдан кейин ёш Бобур Мирзо тахтга ўтирди. 1504 йилда Фарғона водийсини Шайбонийхон томонидан босиб олиниши туфайли, унинг барча ҳудудлари Бухоро амирлигининг чекка бир ҳудудига айланган эди.

XVII асрда мустақил Қўқон хонлиги тузилди. XIX асрнинг бошларида Қўқон хонлигига элчи сифатида келган Филип Назаровнинг ёзишича, Қўқон хонлигига қарашли Марғилон шаҳрида хунармандчиликни анча тараққий этганлигини кўрсатади. Айниқса, хунармандчилик маҳсулотларини ичида ипакчилик жуда тараққий этганлигини кўрсатади. Турли соҳалар ривожланган бўлишига қарамай Марғилоннинг иқтисодини асосий қисмини савдо-сотик ташкил этган. Бунда Марғилон шаҳарининг Буюк Ипак йўлининг ёқасида эканлиги, шарқда Қашқардан Самарқанд ва Бухоро томон олиб келинадиган, аксинча Қашқарга олиб бориладиган молларни савдо сотиғида катта рол ўйнади. Марғилоннинг ўзи эса ипакчиликка тобора ихтисослаша борди.

Марғилондан қадимдан ўзининг моҳир меъморлари ва қурувчилари билан ҳам машҳур бўлган. Айниқса катта ва кичик иморатларни қуришда унинг сейсмик жиҳатдан мустаҳкам бўлишини ҳисобга олиб уларни «енгил конструкциясили» қилишга, яъни қурилишида кўпроқ, ёғоч ишлатилган.

Тураржойларнинг умумий тархи икки қисмдан-ички ва ташқи ҳовли тарзида қурилган. Ҳовлини ўраб турган девор баланд бўлиб, ташқарида отлиқ одамни назари ҳовлига тушмаслиги керак эди.

Шаҳарнинг масжид ва мадрасалари ва шунингдек бой бадавлат хонадонларнинг шифтлари, яни томни ташкил этган хари, тўсин, васса жуда чиройли, нозик қилиб рангда нақш берилган. Жуда кўлаб масжиду мадрасаларда хаттотлик санъати билан пештоқларга кўрғондан, хадислардан парчалар ёзиш билан безатилган. Айнан шундай санъат, Фарғона водийси меъморчилигининг XVIII-XIX асрдаги асосий хусусияти бўлганлиги учун ҳам, уни мутахассислар «Фарғона наққошлик мактаби» деб аташади.

Айнан шундай «наққошлик мактаби»да яратилган нақшларни яқин пайтларгача бой бадавлат одамлардан қолган уйларнинг деворида шифтларида масжиду мадрасаларда кўриш мумкин эди.

Бу китобни ёзишда биринчи марта Чор Россияси давридан қолган кўплаб архив материаллардан, ўша даврдаги харитадан шунингдек шаҳар ҳудуди ва унинг атрофларида сақланиб қолган масжиду мадрасалар тўғрисида тўлиқ, умумий маълумот берилган.

Ўйлаймизки, ушбу рисола ўзида жуда кўплаб маҳаллалар, уларнинг номланиши, шаҳарнинг қадимги, ҳозирги структураси, аҳолиси, ҳунармандчилиги тўғрисида жуда кўплаб архив материалларга эга бўлганлиги учун ҳам, ўқувчиларда қизиқиш уйғотади.

М. Ҳ. ИСОМИДДИНОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.



СЎЗ БОШИ

«Буюк ипак йўлининг таъсири ва тарихий илдизларини, таъбир жоиз бўлса, унинг нафасини ўзида сақлаб келаятган Марғилондек шаҳарлар, ўйлайманки, ер юзида камдан-кам топилади».

Ислом КАРИМОВ

«Ўзбекистоннинг гавҳари» деб аталмиш Фарғона водийси ҳудуди ўзининг қадимдан бепоён далалари, меъморий обидалари, гўзал боғлардаги ширин - шакар мевалари, ипакли матолари атласи, адраси, шойи, беқасамлари билан машҳурдир. Жумладан Марғилон шаҳридан муҳим савдо йўли Буюк ипак йўлининг ўтиши бу шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий томондан ривожланишида муҳим ўрин эгаллаган.

1875 йили рус топографи Лебедев томонидан тузилган шаҳар харитасига кўра, Марғилонни Работ, Лангар, Ўқчи, Ўғизлар, Янги сой, Аримдон, Киргил, Хўжа Мағиз, Янги қўрғон, Оқтепа каби қишлоқлари ўраб турган. У боғ-роғларга бурканган шаҳар бўлган.

Шаҳар марказига нисбатан аҳамиятли бўлган монументал иншоотлар Хоким саройи бўлмиш Ўрда ҳамда йирик мадрасалар, хонақо ва масжидлар жойлашган. Булар асосан пишиқ ғиштдан қурилган бир ва икки қаватли иморатлар бўлиб, ички сарой ҳам ўрин олган. Бир қаватли хом ғиштдан қурилган бинолар олдида улар ўз кўлами, ноёб меъморчилик услубдалиги ва олд қисмининг ёрқин нақшинкор декорацияси билан кескин ажралиб турган. Аҳоли яшайдиган маҳаллалар марказини ҳовуз, масжид, мадрасалар безаб турган. Бу билан маҳалла гузарларининг кўрки ошган.

1938 йили Ўзбекистон ҳукуматининг Кўхна ёдгорликларни химоя қилиш қўмитаси (Ўзкомстарис) томонидан Фарғона водийсининг миллий меъморчилик мактаби ва унинг ўзига хос анъаналарини ўрганиб чиқиш мақсадида унча катта бўлмаган илмий экспедиция уюштирилган эди. Мазкур экспедиция аъзоси бўлган этнограф А. К. Писарчик бирмунча вақт Марғилон шаҳрида бўлиб, ундаги меъморий обидаларини атрофлича ўрганиб, бу борада жуда қимматли маълумотларни йиғишга муяссар бўлган. Унинг берган маълумотарига қараганда, бундан 300 йил муқаддам Марғилон анча кичик, девор билан ўралган шаҳар бўлиб, унинг оламнинг тўрт томонига қарата қурилган тўртта дарвозаси бўлган. Қарама-қарши дарвозалар оралиғи 2 чақиримни ташкил этган. Шу девор ўрни шаҳар аҳолиси хотирасида хануз сақланиб қолган. Девор шарқ ва шимол томонда шаҳарнинг ҳозирги Қизил соқчи қисмида Чилдухтарон

мозоридан Баҳрин маҳалласи йўналишида ўтган. Бу ердан шаҳар девори ғарбга, шаҳарнинг қадимий муқаддас масканларидан бири - Машад маҳалласи ва мазори томон бурилган. Кейин темир йўл станциясидан шаҳарга ўтувчи катта йўл ёқасида жойлашган Қаландархона ҳаммомигача бориб, яна Чилдухтарон мазорига бориб тақалган. Бу деворнинг баландлиги дастлаб 12 паҳса, пой-девори кенглиги эса 3 метр бўлиб, девор ташқариси хандақ билан ўралган. Вақт ўтиши билан шаҳар кенгайгач, девор нураб, XIX аср бошларидаёқ унинг кўп қисми бузилиб кетган. Шералихон ҳукмронлиги даврида (1842-1845 йиллар) Марғилоннинг деворлари янгитдан қурилди. Янги девор шунчалик катта худудни ўраб олган эдики, икки қарама-қарши дарвозалар орасидаги масофа энди икки чақирим эмас, балки 8 чақиримга яқин бўлган, деб тахмин қилинади. Янги қурилган шаҳар деворининг 12 та дарвозаси бўлган: Маъоз ибн Жаббал, Надирмат, Тошлок, Хотинариқ, Баҳрин, Гулчаман, Машъад, Эшон, Олтиариқ, Сармозор, Суқтепа ва Чимион.

Шаҳарнинг янги деворини таъмирлашда қатнашган Хўжа Али Этнограф А. К. Писарчик билан бўлган суҳбатда, шундай маълумотларни келтиради; девор пойдеворининг кенглиги қарийб 2 қулоч, тепасининг кенглиги эса бир қулочга яқин бўлган. Деворнинг ташқи томони тик қияликда (дадама) бўлиб, атрофига хандақ қазилган. Деворнинг ич томонида замбарак ўрнатиш учун кўтарма қилинган. XIX асрнинг ўрталарига келиб, унинг мудофаа деворларидан номнишона ҳам қолмайди. Шунинг учун ҳам уни руслар босиб олаётган пайтда «Мудофаа деворлари йўқ» деб ёзишади.

Лекин 1875 йили рус топографи Лебедев тузган шаҳар харитасига кўра, шаҳарнинг деворлари ва дарвозалари ўрнители белгилаб берилган. Харитада 4 та дарвозани ўрни белгиланган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: Карвон, Қумтепа, Суқтепа, Юқори сой. Хаританинг яна бир аҳамиятли жиҳати топограф Лебедев шаҳардаги 44 та иншоатнинг номини ёзиб кетганлигидир. Улар қуйидагилардан иборат:

1	Ўрда саройи	23	Ражабой арбоб масжиди
2	Сурат бой мачити	24	Ўрамбой масжиди
3	Тахтақўприк бозори	25	Қорихона мадрасаси
4	Туягум масжиди	26	Рохат масжиди
5	Хасбастал масжиди	27	Содиқ масжиди
6	Хўжа эгиз масжиди	28	Савоби бой масжиди
7	Янги бой масжиди	29	От бозори
8	Кўрғон	30	Қозикалон масжиди
9	Оғаев	31	Эшон шофия мазори
10	Гўраввал мажиди	32	Кўк мазор
11	Сафил тўда ва мазори	33	Хай барала мазори

12	Боғи шамол масжиди	34	Пошша Искандар масжиди (эски)
13	Ўрда масжид	35	Пошшо Искандар масжиди(янги)
14	Хожа Мулла масжиди	36	Пахта (бозор худудида карвонсарой)
15	Қаландархона масжиди	37	Беги (бозор худудида карвонсарой)
16	Гала хумдон масжиди	38	Мағзумбой масжиди
17	Жулман масжиди.	39	Яланг масжиди
18	Тўдалиқ масжиди	40	Машад масжиди
19	Мажнунтол масжиди	41	Қизлар мазори
20	Каллахўр масжиди.	42	Қўрғон масжиди
21	Холвой сўфи масжиди	43	Оқ бўйра масжиди
22	Чорчинор масжиди	44	Сармозор масжиди

1876 йил Қўқон хонлиги Россия империяси томонидан босиб олинди. Янги Марғилон (ҳозирги Фарғона шаҳри) ташкил топиши муносабати билан, Марғилон шаҳри «Эски Марғилон» деб аталди.

1877йил 12 июлдаги Марғилон шаҳар уyezди бошлиғининг Фарғона вилояти Харбий губернаторига ёзган батафсил тайёрлаган 1907-сонли ҳисоботидан бундан 135 йил олдинги «Эски Марғилон» шаҳрининг иқтисодий ва сиёсий ҳаётини тасаввур қилиш мумкин¹.

Ҳисоботда тақидланишича, Марғилон шаҳри 4 та даҳадан иборат бўлиб, унинг ҳар бирини амин (мансабдор шахс) бошқарган. Ўз навбатида даҳа 16 та маҳаллага бўлинган. Маҳалла элликбоши назоратида бўлган.

Шаҳар марказида катта бозор бўлиб, у ҳам алоҳида битта даҳа даражасида ҳисобланган ва бозор бошқарувчисига «Амин» мансаби берилган.

Миршаблар томонидан назорат қилиш учун шаҳар икки қисмга бўлиниб, ҳар бир қисмини алоҳида кўрбоши, унинг қўл остида 4 та катта миршаб, 17 та кичик миршаб хизмат қилган.

Шаҳарда жамоат ҳаммомларининг сони 7 та, чойхоналар эса 35 тани ташкил этган.

Ишлаб чиқариш 1877 йилда қуйидагичадир: ғишт заводи 1 та, шам ишлаб чиқариш заводи 8 та, совун ишлаб чиқариш заводи 12 та, темирчилик заводи 7 та, чўян ишлаб чиқариш заводи 8 та, терини қайта ишлаш заводи 60 та бўлган. Жами 96 та завод фаолият кўрсатган.

Ун тегирмонлари 28 тани ва ёғ-мой



Ипакчилик. Ипакни бўёққа ботириши жараёни. 1871 йил.

1 ЎзМДА. Фонд 23 опись 1 ед.хр 14.

айжувозлари 106 тани ташкил қилган.

1876 йилнинг 1 апрелидан 1877 йилнинг 1 январигача шаҳардан олиб чиқиб кетилган молларнинг қиймати 2536 рублни, савдогарлар олиб келган молларнинг қиймати эса 35017 рубль 80 тийин бўлган. 1876 йилда шаҳарга олиб келинган ва олиб чиқиб кетилган молларнинг жами қиймати 37553 рубль 80 тийинни ташкил этган.



Совунгарлик. 1871-1872 йиллар.

1877 йилнинг 1 январидан 1 июнгача шаҳардан олиб чиқиб кетилгани моллар қиймати 980 рубль, олиб келингани 211399 рубль 13 тийинни, жами 5 ойда 213379 рубль 13 тийин бўлган.

Шаҳарга олиб келинган ёки олиб кетилган моллар асосан ипак хом ашёси, фабрикада тўқилган атлас, адрас, алача, бўз матолар, ёғ маҳсулотлари, тери ва теридан тайёрланган маҳсулотлар, чопонлар, дўппилар, темир ва чўяндан тайёрланган маҳсулотлар бўлган.



Матога гул босиш. 1871-1872 йиллар.

Карвонсаройларга узоқ ва яқин шаҳарлардан савдогарлар келишиб, шунинг ўзида шаҳардаги савдогарларга молларини тарқатиб савдо қилишган.

Карвонсаройлар куйидагилардан иборат бўлган:

1) «Султон Муродбек» номли карвонсаройи (кўтара савдолар);

2) «Гўриаввал» мадрасаси вақф карвонсаройи (читлар ва адраслар);

3) Кўконнинг «Тун қатор» мадрасаси вақф карвонсаройи (ипак, бўз, адрас);

4) «Махзум бой» карвонсаройи (ширинликлар, ёғ-мой);

5) «Кўкон мадрасаси» вақф карвонсаройи (пахта);

6) «Исо Дадҳо» карвонсаройи (маҳаллий ва Қашқардан келтирилган ҳар хил

моллар);

7) «Аҳмадбой» номли карвонсаройи (Ҳиндистон моллари) ;

8) «Шайх Ислоом» карвонсаройи (Ҳиндистон моллари).

Савдо қилувчи дўконлар сони:

№	Дўконлар тури	Сони	№	Дўконлар тури	Сони
1.	Атторлик	140	22	Ёймачилар	221
2.	Газлама матолар	86	23	Ямоқчилик	4
3.	Баққолчилик	401	24	Айжувоз ёғлари	16
4.	Шойи ва адрас матолар	68	25	Темирчилар	73
5.	Оёқ кийимлар	105	26	Саватчилар	19
6.	Қассобхоналар	214	27	Гудунгчилар	8
7.	Совун ва шам	51	28	Пахта билан	9
8.	Сартарошхоналар	38	29	Дўппи дўконлари	64
9.	Полиз маҳсулотлари	21	30	Сут маҳсулотлари	86
10.	Нон маҳсулотлари	10	31	Мисгарлар	24
11.	Нос ва тамаки	14	32	Тўрли идишлар	18
12.	Арқон ва эшилган ип	11	33	Идиш товоқлар	16
13.	Ёғ маҳсулотлари.	11	34	Тўнчилар	81
14.	Пишириклар		35	Ипак билан савдо	46
15.	Ёғоч маҳсулотлари	3	36	Гугурт	2
16.	Кумуш маҳсулотлари	4	37	Елим маҳсулотлари	10
17.	Халта ва халтачалар	24	38	Китоб билан савдо	8
18.	Чойхоналар	160	39	Калава	7
19.	Тузлама маҳсулотлари	4	40	Тиш кавлагич	5
20.	Бўёқ (ранг) маҳсулотлари	45	41	Ғалтак иплар	15
21.	Нонвойчилик	62	Жами:		2246

Шаҳарда савдо дўконлари ва хизмат кўрсатиш устахоналари жами 2246та бўлиб, унинг 489 таси давлатга қарашли, 686 таси вақф, 1071 таси хусусий шахсларга тегишли бўлган.

Ҳунармандчилик. Ҳунармандлар 1877 йил ҳисоботида куйидагича қайд қилинган:

№	Ҳунар тури	Сони	№	Ҳунар тури	Сони
1	Темирчилар	75	14	Ёғочдан буюм ясовчилар	15
2	Косиб ва ямоқчилар	271	15	Аррачилар	21
3	Тикувчи ва бичувчилар	9	16	Ер ковлочилар	10

4	Мисгарлар	24	17	Рандачилар	20
5	Бўёкчилар	87	18	Сартарошлар	22
6	Ғишт терувчилар	20	19	Ғишт қуувчилар	4
7	Арава ясавчилар	192	20	Адрас усталари	496
8	Сувоқчилар	80	21	Ипак тайёрловчилар	375
9	Тери мўйна буюм уста	40	22	Матога безак берувчилар	88
10	Заргарлар	7	23	Алача мато тайёрловчилар	205
11	Чилангарлар	8	24	Бўз мато тайёрловчилар	204
12	Ёғоч усталари	55	25	Кигиз ва наMAT тайёрловчи	17
13	Пахтани қайта ишлаш	10	Жами:		1395

Жадвалдаги алача, адрас ва бўз матолар тўқувчиларнинг ҳар бири 3-4 тадан тўқув дастгоҳини бошқаришган.

Имкониятдан фойдаланиб хунармандчиликка оид яна бир ҳужжатни келтирмоқчиман. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архивида Фарғона харбий губернатори ёрдамчиси, генераль-майор Мидинскийнинг 1890 йил 29 сентябрдаги 6663 сонли фармойишига асосан 1891 йилда Марғилон шаҳридан Москва шаҳрида ўтказиладиган Ўрта Осиё кўрғазмасига жўнатишга, хунармандлар томонидан тайёрланган маҳсулотларнинг қуйидаги рўйхати сақланмоқда²:

№	Хунармандчилик маҳсулотлари.	Сони	Нархи.		Хунармандчилик маҳсулоти кимдан олинганлиги
			Рубль	Тийин	
1.	Ипакли маҳсулотлар: Канаус	3 бўлак*	6	90	Муҳаммад Қози Хасанов
2.		5	12	70	Содиқ хожи Аҳмадбоев
3.	Атлас	4	10	35	Муҳаммад Умар Аҳмадбоев
4.		7	18	90	Содиқ хожи Аҳмадбоев
5.	Ипакли рўмол	1 дона	0	50	Абуворот Муҳаммад Содиқов
6.		1	0	60	Дадохожи Тошхожиев
7.			1	20	
8.	Ипак калава	2.5 кг	7	10	Муҳаммад Умар Аҳмадбоев

2 ЎзМДА. Фонд И - 23 Опись 1 Ед.хр 1688.

9.	Ярим ипак атлас	3 бўлак	6	35	Содиқ хожи Ахмадбоев
10.	Адрас	4	4	60	Тожибобо Исабоев
11.		1	2	40	Абдуалим Самиев.
12.		3	4	90	Рахимбобо Каримов
13.		2	2	20	Сариқ Назар Холиқ Назаров
14.		1	2	20	Халил Муҳаммад Алимов
15.	Беқасам	2	4	90	Рахим бобоКаримов
16.		1	2	50	Бадалбобо Муратов
17.	Алача	2	2	10	Асранқул Ислонқулов
18.		1	1	00	Бобо Раҳматуллин
19.		1	1	50	Муҳаммадуста Муҳаммадалиев
20.		2	1	60	Рўзимуҳаммад Муратов
21.		1	1	20	Муҳаммад Умар Ботиров
22.		1	1	80	Боки Исфадёров
23.		1	2	40	Шо Охун Раҳматуллин.
24.	Бўртма матолар	1	0	60	Мир Раҳим Алимов
25.		1	0	60	Мусабой Азимов
26.		1	0	25	Мусабой Исабоев
27.	Бўз мато	2	0	40	Мирмуҳаммад Холмуҳаммедов
28.	Жияк	6 дона	2	30	Хожи Эшмат Турсунов
29.		1	1	-	Салоҳиддин даллол Махсумов.
30.	Дўппи	1	0	25	Муҳаммад Розик Раҳимов
31.		1	0	80	Обидхон Каримов
32.		1	0	55	Муҳаммад Хожа Раҳматуллин
33.		1	0	10	Раҳимжон Алимбоев
34.	Мўйқалам	1	0	50	Салоҳиддин даллол Махсумов
35.	Ласли тўн	1	3	60	Муҳаммад Хожи Исомиддинов
36.	Читгарлик тўн	1	2	40	Тилло хожа Пошо хожа
37.	Ипакли тўн	1	7	00	Усмонқори Абдукаримов
38.	Беқасам тўн	1	4	50	Абдурахмон Каримов
39.	Чиммат	1	3	00	Муҳаммад Зокир Холиқов

40.	Камар (эчки жунидан)	1	0	70	Алимжон Азимов.
41.	камар	1	1	00	Ахмадхон Муҳаммедов
42.		1	0	80	Болтабой Нуров
43.		3	1	30	Алимхон Азимов
44.	Безакли буюмлар	1	0	65	Ахмад Али Шокиров
45.		1	1	10	Исмоил Ахонхонов

*Жадвалда берилган бўлак 12 метрни ташкил этади.

Ўша даврдаги нарх-наво 1894 йилда чоп этилган «Фарғона вилоятининг




Шам ишлаб чиқариш. 1871-1872 йиллар.

йиллик обзори» тўпламида келтирилишича, шу йили кузда ўртача кўйнинг баҳоси 10 рубль, сигирнинг баҳоси 21 рубль, отнинг баҳоси 60 рубль бўлган. Биз хунар-мандчилик махсулотлари баҳоларини таққослаб кўришимиз мумкин.)

Сув таъминоти. Сув «Аввал» булоқларидан бошланиб, Учқўрғон ва Водил сойлари орқали

Қорасув сойга қуйилиб, шаҳарга келган. Лекин бу сув ҳам ҳар 10 кундан кейин 8 кун шаҳарга берилган (10 кун сув Олтиариқ ҳудудига берилган).

Шаҳар ва унинг атрофлари сув таъминоти 4 қисмга бўлинади. Икки кун шаҳарнинг ғарб томони, икки кун шарқ ва жануб томонлар ерларини суғориш учун ҳамда қолган кунлари аҳоли фойдаланиш учун 223 та ховузга тақсимланади.



Тўқув дастгоҳи. 20 аср бошлари.

Суғориш ариқлари 10 та бўлиб, улар Гандимдон, Паникан, Ду-жуя, Жуй бозор, Гуминган (Гусинган), Янги ариқ, Жуй-илман, Чуқур замин, Ўқчи ва Ўқариқдан иборат бўлган. Бу ариқлар шаҳарнинг шимол томонидан ўтиб, шаҳарнинг

ўннингчи дарвозасигача бориб, қайтиб тугайди.

Шаҳарнинг аҳолиси фаровонлиги ва иш билан бандлиги жиҳатидан Фарғона вилоятида Қўқондан сўнг «Юқори даражали» ҳисобланган.

Шуниси муҳимки, Марғилон Қўқон, Андижон, Наманган, Водил ва Ўш шаҳарларига борадиган йўлларнинг марказида жойлашган.



Ипакка бўёққа бериши. 1947 йил.

Марғилон Россия ва Қашқар билан савдо қилган. Шу билан бирга шаҳарда ипакни қайта ишлайдиган ускуналар ва тўқув дастгоҳлари кўп бўлиб, бутун Фарғона водийсини ҳам ипакли матолар билан таъминланган.

XX аср бошларида Марғилондаги даҳалар қуйидаги маҳаллалардан иборат бўлган:

1-даха (Машад) 1375 хонадон

№	Маҳаллалар номи	хонадон	мадраса	мачит	мактаб	қорихона	хаммом
1	Охунжон	65	4	4	2	1	
2	Ёр оталиқ*	57		2	1	1	1
3	Тугали	105		5	1		
4	Ариқбой	133		4		1	
5	Машад	188		5	1	1	
6	Қори Хожи	66		2	1	1	
7	Подшо Искандар	40	2	1		1	
8	Фозил оталиқ	104		3	1		
9	Абдурахмонбек	52		3	1		
10	Содиқ	79		4	1		
11	Шоабдурахим	76		2	1		
12	Қоракалтак	58		1	1		
13	Боғишамол	71	3	4			
14	ПошшоМухаммад	85	2	4	1		
15	Шокучоқ	83		3	2	2	
16	Чорчинор	113		5		1	

Жами:	1375	11	52	14	9	1
--------------	-------------	-----------	-----------	-----------	----------	----------

* Оталиқ – уруғ оқсоқоли. У доимий равишда қилич ва пичоқ тақиш ҳуқукига эга бўлиб, ҳарбий ҳаракатлар вақтида ўз уруғидан ташкил этган қўшин саркардаси ҳисобланган.

2-даҳа (Сафил-тўда) 1107 хонадон.

№	Маҳаллалар номи	хонадон	мадраса	мачит	мактаб	қорихона	хаммом
1	Ўқчи	78		3	2		
2	Қуйтибек.	111		5	1		
3	Мадали	74		2	1		
4	Сафил тўда	72	1	6	2	1	
5	Абу...(ўчиб кетган)	92		4	2	1	
6	Ахкамдар	108		7	1	8	
7	Шомансур	92		3			
8	Тахтакулбек	69		3			1
9	Номозча	72	1		1	1	
10	Искандар-шо	58		3			
11	Абу...(ўчиб кетган)	62		2			
12	Алим бола	57		4		1	
13	Фаткулбек	63		3	2		
14	Мозори шайх	33		2	1	1	
15	Якка тут	66	2	4	2	2	1
	Жами :	1107	4	51	15	15	2

3-даҳа (Қаландархона) 1520 хонадон;

№	Маҳаллалар номи	хонадон	мадраса	мачит	мактаб	қорихона	хаммом
1	Ёйилма	140		5			
2	Оқ-сарик	50		3			

3	Тахта кўприк	54		2	2	1	
4	Кундонгим	78	1	3			
5	Ғариб ғўристон	126	3	2	1	1	
6	Тўда қори	37	1	1	1	1	
7	Қаландархона	87	1	3	1	1	1
8	Донохайр	105		3	1		
9	Оқ мачит	63		2			
10	Сапча	110	2	8	4	8	
11	Фозил оталиқ	101	1	5	3	1	
12	Каптар	110		6			
13	Жул-ман	115		7	4	2	
14	Жуфт терак	58		6	3		
15	Галатой	95		5	2		
16	Кал шукур	125		7	2		1
	Жами :	1520	9	68	24	15	2

4-даҳа (Тош мазор) 1237 хонадон

№	Маҳаллалар номи	хонадон	мадраса	мачит	мактаб	қорихона	хаммом
1	Тош мазор	145	1	5	3	1	
2	Узун ҳовуз	120	1	2			1
3	Кўк мазор	88	2	5	3	1	
4	Савагчи	103		3	1		
5	Мўмин оталиқ	81		3	2		
6	Донакул	84		3			
7	Арабгузар	80		3		2	
8	Хўжа парсо	81		2	1		
9	Кавак қайроғоч	60		2	1		
10	Бек мирза	49		2			
11	Чукур	53		2	1		
12	Чували	41		2			
13	Шоқучақ	42		2	1		

14	Дамин оталик	59		3		1	
15	Мирзакул	83		2	1		
16	Бахрин	77		2	1		
	Жами :	1237	4	43	15	5	1



Марғилондаги масжид. 1930 йил.

Жами бўлиб шаҳарда 5239 та хонадон, 28 та мадраса, 214 та масжид, 70 та мактаб, 44 қорихона, 7 та ҳаммом бўлган.

МАДРАСА. (араб, д а р а с а — ў р г а н м о қ) — мусулмонларнинг ўрта ва олий ўқув юрти. Уламолар ва мактабдорлар, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида давлат органлари хизматчиларини ҳам тайёрлайди.

VII-VIII асрларда ислом дини уламолари мусулмон илоҳиёти масалаларини шарҳлаб бериб турадиган марказ сифатида араб давлатларида пайдо бўлган. IX-XIII асрларда ислом динига эътиқод қилинадиган мамлакатларда, жумладан, Ўрта Осиёда тарқалди. Мадрасаларда миллий зиёлилар тайёрланган. Абу Бакр Муҳаммад Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида айтиб ўтилган 937 йилги ёнғинда зарар кўрган «Форжак» мадарасаси Ўрта Осиёдаги дастлабки мадрасалардан дир. Мадрасаларнинг хон мадрасалари, эшон мадрасалари, хусусий мадрасалар каби турлари бўлган. Мадраса муассислари мадрасани таъминлаш учун махсус мулк-вақф ажратишган ва бу мулкни бошқарувчи мутававалини тайинлашган. Мадрасаларнинг вақф даромадларидан бир қисми вақф мулкни сақлаб



Марғилондаги масжид. 1930 йил.

туриш, мадарса биносини таъмирлашучунажратилган, маълум қисми мутававали, мударрислар, талабалар, масжид имоми, муаззини, сартароши, фарроши ва бошқа хизматчиларга берилган. Мадрасага мактабни тугатганлар қабул қилинган. Талабалар ёши 10 дан 40 ёшгача бўлган. Улар ётоқхоналарда яшаш ҳуқуқига эга бўлган кундузги бўлим ва дарсларга



Хўжа Ланголанг. 1870 йиллар.

эркин қатновчи сиртки бўлим талабалари тоифаларига ажратилган. Мадараса ўқув дастурининг умумий жиҳатлари X-XII асрларда ишлаб чиқилган ва кейинчалик такомиллашиб борган.

Машғулотлар, одатда, сентябрда бошланиб, май ойигача давом этган. Ёз ойлари ва рамазон ойида таътилга чиқилган. Мадрасада ҳафта кунлари таҳсил (шанба, якшанба, душанба, сешанба) - машғулот кунлари ва таътил (чоршанба, пайшанба, жума)-ўтилганларни такрорлаш ҳамда дам олиш кунларига бўлинган. Дарслар куёш чиқиш пайти (бомдод номозидан кейинок) бошланган. Мадрасада таълим 3 босқичда: бошланғич (адно), ўрта (авсат) ва юкори (аъло) гуруҳларда олиб борилган. Адно босқичи «Ақоид» китобини ўқишга ўтгунча давом этган, авсат босқичи «Ақоид» китобини ўқишдан бошланиб, «Шарҳи мулла» китобини ўргангунча бўлган ва ундан кейинги мураккаб қўлланмаларни ўрганувчилар аъло босқичи талабалари ҳисобланган.

Мадрасада ўқиш талабалар иқтидорига қараб, 7-12 йил давом этган. Ўрта Осиёдаги мадрасаларда араб ва форс тилида ёзилган китоблар ўқитилган, улар талабаларга мударрис томонидан туркий тилда шархлаб берилган. Мадраса ўқув курси, одатда, «Аввали илм» деб номланган форс тилидаги ўқув қўлланмасини ўзлаштириш билан бошланган. Кейин ўрта асрларнинг илмий тили ҳисобланган араб тили грамматикаси (араб тили морфологияси — сарфи ва синтаксиси—наҳви «Бидон», «Қофия» каби дарсликлар асосида) ўқитилган. Араб тили грамматикасидан сўнг ўқув курси 2 бўлимга: умумтаълим курси — мушкулот ва фикҳ курси — масала бўлимларига ажратилган.

Мадрасаларда фикҳ курсининг фароиз-мерос ҳуқуқи қисми билан бирга математика фани ҳам мажбурий ўқув курсига киритилган. Талабалар ўз хоҳиш истаклари ва қобилиятларига қараб мушкулот ёки масала бўлимларидан бирини, агар истасалар ҳар икки бўлимни ўқиб тамомлашлари мумкин бўлган.

Мадраса-ларда тўлиқ курсни ўқиб тамомлаш учун талабалардан фалсафа ва ҳуқуқ фанларига оид тахминан 137 дарслик-қўлланмани ўзлаштириш талаб этилган. Бу дарсликларнинг аксариятини ўрта осиелик алломаларнинг асарлари, жумладан, Имом Бухорий ва Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизийларнинг ҳадис тўпламлари, Абу Мансур Мотуридий Самарқандийнинг «Китоб ат-тавҳид», Бурҳониддин Марғинонийнинг «ал-Ҳидоя фи шарҳ ал-бидоя», Нажмиддин Али ибн Умар Қазвинийнинг «ар-рисола аш-шамсия фи-л қавоид ал-мантиқия», Абду- раҳмон Жомийнинг «ал-Фавоид аддиёия», Маҳмуд ибн Аҳмад Маҳбубийнинг «Виқоят ар-ривоя фи масоил», Убайдуллоҳ ибн Масъуд Маҳбубийнинг «ан-Нуқоя» («Мухтасар алвиқоя») каби асарлари ташкил этган. Мадрасаларда талабаларнинг қизиқишлари ва мударрисларнинг мавжудлигига қараб, фалакиёт, ҳандаса, тиббиёт, кимё, жуғрофия, тарих, адабиёт, аруз илми, меъморлик асослари, хаттотлик, мусиқа, ахлоқ, нотиклик каби фанлар ҳам ўқитилган. XIX аср охири- XX аср бошларида Ўрта Осие мадрасалари ўқув дастури бирмунча ислоҳ этилиб, уларда ўқитиладиган фанлар таркибига турк, рус, француз, инглиз тиллари, физика, зироатчилик, ҳисоб, гигиена, психология, методика, тригонометрия, сиёсий иқтисод, тижорат каби фанлар кириб кела бошлаган. XIX аср охири XX аср бошларида Бухоро амирлигида 336, Хива хонлигида 132, Туркистон генерал-губернаторлигида 348 мадраса бўлган. XX асрнинг 2-чораги бошларида совет ҳукумати томонидан мадрасалар диний муассасалар қаторида давлатдан ажратилган ва «хурофот ўчоқлари» тамғаси билан тугатиб юборилган. Ўзбекистон мусулмонлари идораси ихтиёрида қолган бир нечта мадрасада эса эндиликда фақат руҳонийлар тайёрлайдиган ўрта ва олий диний ўқув юртларига айлантирилган.

Мадрасалар мусулмон оламида меъморлик иншооти сифатида X-XI асрларда вужудга келган. Илк мадрасалар бир қаватли, ўртаси ҳовли ва унинг атрофи ҳужралардан иборат бўлган. Баъзан гумбазли гўрхона қурилиб, мадрасага ҳомийлик қилган кишининг сағанаси қўйилган. XIV-XVI асрлардан бошлаб ҳашаматли мадраса бинолари қуриш авж олди. Улар 2—3 қаватли қурилиб, одатда, катта ва гўзал пештокли, атрофи ҳужралар билан ўралган ҳовлиси, дарсхона, кутубхона ва масжиди бўлган. Кейинроқ, катта мадрасалар ёнига минора қуриш расм бўлган. Қуриш пештоқининг рўпарасида, пешайвон бўлиб, у ёзги дарсхона вазифасини бажарган ҳамда ҳовлига салобат берган. Баъзан мадрасаларда ҳужраларнинг ҳовли томони равоқли айвонлар билан ўралиб, ҳовли ўртасида ҳовуз қилинган. Мадрасаларнинг ташқи ва ички қисми ҳар хил рангли кошинкори ва ганчкори безаклар билан пардозланган. Қуръондан оятлар ва ҳадислар кўчириб ёзилган. Масалан, Бухородаги Улуғбек мадрасаси эшикларига «Билим олмоқ ҳар бир мусулмон эркак ва аёлнинг бурчидир» деган ҳадиси-шариф битилган. Мадраса умумий қурилиш типологияси (таснифи) лойиҳаси ва қурилмасига кўра, ажралиб туради. Ўрта Осие меъморлигида

масжид ва дарсхона қоидага кўра, пештоқнинг икки ён қанотида жойлашган. Сурия ва Мисрда улар кираверишда ҳовлининг тўрида кўндалангига айвонли қилиб қурилган. Туркияда ҳовли тепаси ҳам гумбаз билан қопланган. Ўрта Осиё ва Ғарбий Осиёда одатдагидек равокли қилиб ёпиш услуби қўлланган. Шимолий Африкада тўсинли томлар бўлган. Араб мамлакатларида дастлабки мадраса вазир Низомулмулк томонидан Бағдодда (XI асрнинг 2-ярмида) қурилган. Ўрта Осиёда мадраса махсус меъморлик иншооти сифатида қурилгани ҳақида тарихий маълумотлар сақланган. Шоҳизинда таркибида Самарқанд ҳоқими Тамғоч Буғрохон Иброҳим қурдирган (XI-аср.) мадраса қолдиқлари топилган. Бухородаги Мир Араб мадрасаси, Абдуллахон мадрасаси, Абдулазизхон мадрасаси, Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси, Шердор мадраса, Тиллақори мадрасаси, Хивадаги Муҳаммад Раҳимхон мадрасаси, Муҳаммад Амин иноқ мадрасаси, Тошкентдаги Кўкалдош мадрасаси, Бароқхон мадрасаси, Абулқосим мадрасаси, Қўқондаги Камол кози мадрасаси, Андижондаги Гумбаз мадрасаси ва бошқа меъморий ёдгорликлар сифатида машҳур³.

МАСЖИД, мачит (араб. — сажда қилинадиган жой)-мусулмонлар жамоа бўлиб, намоз ўқийдиган жой, ибодатхона. Масжидлар, асосан, кундалик беш вақт намоз ўқиш учун мўлжалланган. Жума ва ҳайит намозлари эса жоме



20-аср бошларида Кўк мазор масжидининг кўриниши.

мўлжалланган минбар, баъзиларида эса Қуръон ўқиладиган махсус жойлар ҳам бўлади. Баъзи масжидлар ҳузурида мактаблар ҳам бўлиб, уларда ўғил

масжидларида ўқилади. Биринчи масжидни Мадинада Муҳаммад (сав) қурдирган. Масжидлар дастлаб шаҳарларда, кейинчалик қишлоқ ва маҳаллаларда барпо этилган. Масжидларнинг тўрида, Маккага қараган (қибла) томонида меҳроб, ҳовлисида ҳовуз, бир ёки бир неча минора бўлади. Айрим йирик масжидлар меҳробининг ўнг томонида ваъзхонлик учун

3 Керенский О. М. Медресе Туркестанского края-СПб. 1892; Абдуллаев Ю. Очерки по методике обучения грамоте в узбекской школе, Т. 1966; Абу Бакр Муҳаммад Наршахий, Бухоро тарихи,

Т., 1991; Шамсутдинов Р. Т. Расулов Б. Туркистон мактаб ва мадрасалари тарихи (XIX аср охири ва XX аср бошлари). Андижон. 1995.

болаларга Куръон ўқиш ўргатилади. Масжидларда жума ва ҳайит намози кунлари имом-хатиблар хутба ўқиб, турли диний масалалар бўйича ваъзхонлик қилади. Ўзбекистонда 2000 га яқин масжидлар бор (2003). Масжидларда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунга амал қилинган ҳолда фаолият юритилади. Масжидлар VII-VIII асрлардан турли мусулмон мамлакатларнинг маҳаллий меъморлик анъаналарида етакчи ўринни эгаллаб, ўзига хос услубда қурила бошлаган. Асосан мурабба ёки тўғри тўртбурчак тарҳли, марказий қисмида хонақоҳи бўлган, ҳовли атрофи равоқли айвонлардан иборат. 8 қиррали, гумбаз томли ва кўп устунли, галереяли масжидлар тош, ёғоч, ғишт, рангли кошин билан ҳашамдор безатилган. Ўрта Осиёда дастлабки масжидлар Бухор Ҳисори ичида 713 йилда Қутайба ибн Муслим томонидан маҳаллий оташгоҳ бутхона ўрнида қурилган. Ривоятларга кўра Самарқанддаги биринчи масжид Ҳазрати Хизр масжиди ўрнида бўлган. X-XI асрлар масжидлар меъморлигида ганч ўймакорлиги, ғиштни безакли қилиб териш санъати ривож топган (Термиздаги Чорустун масжиди, Деггарон масжиди ва б.). XIV-XV асрларда масжид турлари ва тузилиши ўзгариб, у шаҳарнинг энг кўзга кўринган йирик меъморий жамоат бинолари қаторидан ўрин олган. Шаҳар марказларида жоме масжид, жума масжид ва гузар, маҳалла масжидлари кенг тарқалган. Мовароуннаҳр меъморлик мактабида яратилган халқ усталарининг ўзига хос мероси Эрон, Хуросон, Озарбайжон, Ҳиндистон, Ҳирот меъморлиги билан ўзаро уйғунлашиб кетган. Бу мактаб меъморлигида эришилган барча имконият ва ютуқлар Гавҳаршод бегим меъморий мажмуаси, Бибихоним жоме масжиди, Кўк гумбаз масжиди, Дарбанд (Озарбайжон)даги жума масжид (1368), Табриз (Эрон) даги Кўк масжид (1405) қурилишида ўз аксини топган. XVI-XVII асрларда масжид қурилишида гумбазлар тузилиши анча мураккаблашди. Пештоқ, равоқ ва минораларнинг турли шакллари яратилди. Безагида муқарнас нақшлар, кошинкори безаклар қўлланилди: Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарларидаги Баланд масжид, Хўжа Зайниддин мажмуаси, Баҳоуддин мажмуаси. Шаҳар ташқарисида намозгоҳлар (Бухоро намозгоҳи, Қарши намозгоҳи), зиёратчилар учун



Чилангар масжиди. 1930 йил.

ва кўп устунли, галереяли масжидлар тош, ёғоч, ғишт, рангли кошин билан ҳашамдор безатилган. Ўрта Осиёда дастлабки масжидлар Бухор Ҳисори ичида 713 йилда Қутайба ибн Муслим томонидан маҳаллий оташгоҳ бутхона ўрнида қурилган. Ривоятларга кўра Самарқанддаги биринчи масжид Ҳазрати Хизр масжиди ўрнида бўлган. X-XI асрлар масжидлар меъморлигида ганч ўймакорлиги, ғиштни безакли қилиб териш санъати ривож топган (Термиздаги Чорустун масжиди, Деггарон масжиди ва б.). XIV-XV асрларда масжид турлари ва тузилиши ўзгариб, у шаҳарнинг энг кўзга кўринган йирик меъморий жамоат бинолари қаторидан ўрин олган. Шаҳар марказларида жоме масжид, жума масжид ва гузар, маҳалла масжидлари кенг тарқалган. Мовароуннаҳр меъморлик мактабида яратилган халқ усталарининг ўзига хос мероси Эрон, Хуросон, Озарбайжон, Ҳиндистон, Ҳирот меъморлиги билан ўзаро уйғунлашиб кетган. Бу мактаб меъморлигида эришилган барча имконият ва ютуқлар Гавҳаршод бегим меъморий мажмуаси, Бибихоним жоме масжиди, Кўк гумбаз масжиди, Дарбанд (Озарбайжон)даги жума масжид (1368), Табриз (Эрон) даги Кўк масжид (1405) қурилишида ўз аксини топган. XVI-XVII асрларда масжид қурилишида гумбазлар тузилиши анча мураккаблашди. Пештоқ, равоқ ва минораларнинг турли шакллари яратилди. Безагида муқарнас нақшлар, кошинкори безаклар қўлланилди: Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарларидаги Баланд масжид, Хўжа Зайниддин мажмуаси, Баҳоуддин мажмуаси. Шаҳар ташқарисида намозгоҳлар (Бухоро намозгоҳи, Қарши намозгоҳи), зиёратчилар учун

хонақоҳлар (Қосим шайх хонақоҳи, Файзиобод хонақоҳи, Нодир Девонбеги хонақоҳи ва б.) қурилди. Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларида маҳаллий меъморлик мактаблари шаклланди. Халқ усталарининг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган наққошлик, ўйма- қорлик ва ганчқорлик санъати масжид айвонлари, устунлари ва деворлари безагида яққол намоён бўлди (Дўсти Худо масжиди, Қўқон жоме масжиди, Сирли Масжид, Хўжа илғор масжиди, Лутфулло Мавлоно масжиди ва б). Мустақилликдан кейин анъанавий ва замонавий меъморлик усуллари уйғунлаштирилган ҳолда масжидлар қурилмоқда (масалан, Имом Ал-Бухорий ёдгорлик мажмуаси, Тошкентдаги Носирхон жоме масжиди, Ғазалкентдаги Олимжон жоме масжиди ва б.).¹

Шаҳарда кўплаб муқаддас қадамжойлар ва қабристонлар, мақбараларда ўнлаб қорихоналар мавжуд бўлган. Уларда оламдан ўтган инсонлар руҳига бағишлаб қуръон хатм қилиниб, ёд олинган. Қорихоналарнинг атрофи супуриб-сидириб, тоза тугилган. Бунинг эвазига эса мархумнинг яқинлари пул ёки маҳсулотлар билан ҳадялар беришган.

ВАҚФ (араб.)-мусулмон мамлакатларида давлат ёки айрим шахслар томонидан диний эҳтиёж ёки хайрия ишлари учун ажратилган мол-мулк. Вақфнома орқали расмийлаштирилади. Ер-сув, уй-жой, мактаб, масжид, мадраса, шифохона вақф мулки бўлиши мумкин. Ўз мулкни вақфга топширган шахс мазкур мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини йўқотади. Лекин унинг ўзи ёки оила аъзолари ёхуд учинчи бир шахс вақф мулкидан вақфномада қайд этилган мақсадларда фойдаланилаётганлигини аниқлаш учун вақф мулкни бошқариш ҳуқуқини сақлаб қолиши мумкин. Ўз мулкни вақф мулки сифатида топширган шахснинг фарзандлари ёки бошқа авлодлари мазкур вақф мулкидан келадиган даромадлардан нафақа олиб туриши мумкин. Вақф мулкни шариат қонуни бўйича давлат бошлиғи ёки қози назорат қилади. Бу тартиб Шарқнинг баъзи мамлакатларида ҳозир ҳам амалда.²

Санкт Петербургдаги Миллий кутубхонасининг «Шарқ кўлэмалари» бўлимида сақланаётган, Марғилон уездидаги вақф ерларларига солинган мулк солиғи ҳужжатларидан Эски Марғилондаги қуйидаги маданий мерос объектлари ҳақида бирмунча маълумотларни билиб олиш мумкин⁴

4 “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. ТОШКЕНТ

²Бурхониддин Марғилоний. Хидоя. Т, 1994; Мухтасар (Шариат қонунларига қисқача шарҳ), Т, 1994.

Материалы для статистического описания Ферганской области. Результаты поземельно-податных работъ. Выпускъ II. Маргеланский уездъ. Типогр. Ферганск. Областн. Правления. г.Н.Маргеланъ. 1899г.

№	Марғилон уездида Марғилонга қарашли вақф ерларининг номлари	Умумий ернинг хажми.		Ерга солинган ер солиғи	
		Дес.	Саж.	Руб.	Коп.
1.	Ауввол волости. Ауввол-ўзбек қишлоғи йиғини. Ауввол қишлоғи. «Узун ховуз» мадрасаси	8	1104	38	25
2.	Бой маҳалла қишлоғи, «Хасанбой» масжиди	15		55	6
3.	«Жоме» масжид	6	360	20	83
4.	Пақаначўп қишлоғи «Султон Муродбек» қорихонаси	69		162	99
5.	Пақана-Қақир қишлоғи «Домла Турсун Муҳаммад Охун» мадрасаси	74	1600	12	
6	Ауввол-тожик қишлоқ йиғини, Ауввол-тожик қишлоғи «Домла Турсун Муҳаммад Охун» мадрасаси	16	1900	50	88
7.	«Номозга» мадрасаси	13	2350	42	3
8.	Кекайган қишлоғи. «Домла Турсун Муҳаммад Охун» мадрасаси	528	1890	210	2
9.	Баланд Дамқўл қишлоғи «Муштар ойим» мадраса	4	1800	3	29
10.	Пастки Дамқўл қишлоғи. «Хасанбой» масжиди.	5	1680	20	13
11.	«Муштар ойим» мадрасаси	27	1790	97	72
12.	Лангар қишлоқ йиғиннинг Лангар қишлоғи «Бобохон қози Асқар» мадрасаси (хозирги Марғилон Педагогика коллежи ўрнида бўлган)	1	2220	5	82
13.	«Хасан ва Хусан хожа эшон» мадрасаси	13	1470	36	96
14.	Қақир қишлоғи. «Бобохон шайхулислом» қорихонаси	29		21	34
15.	«Бобохон қози Асқар» мадрасаси	12	1320	9	13
16.	«Бобохон шайхулислом» мадрасаси	9	1680	7	14
17.	«Домла Турсун Муҳаммад охун» мадрасаси	10	1600	7	88

18.	Кўчқорча қишлоқ йиғини, Кўчқорча қишлоғи. «Хасан хожи қози калон» мадрасаси	19	768	11	94
19.	Сара Мирза қишлоғи «Хасан хожи қози калон» мадрасаси	320	1820	40	61
20.	Оқтепа қишлоғида «Подшо Искандар» янги мадрасаси	378	2000	872	93
21.	Шакар қишлоғи. «Подшо Искандар» янги мадрасаси	285	1200	82	43
22.	Мўян қишлоқ йиғини, Мўян қишлоғи. «Домила Абдукарим Охун халифа» мадрасаси	37	1200	46	30
23.	«Сафил тўда» мачити ва қорихонаси	45	1420	61	65
24.	Бешбола қишлоқ йиғинининг Янги сой қишлоғи ва Қашқар қишлоғида «Подшо Искандар» янги мадрасаси	238	1200	625	24
25	Пастки Учқўрғон қишлоқ йиғини, Пастки Учқўрғон қишлоғидаги Қаландархона даҳасида жойлашган «Абдувахоббой» мадрасаси	139	37	238	3
26	«Хўжа Маъоз ибн Жабал» мазори, мачити, ва мадрасаси	48	864	83	87
27	«Подшо Искандар» янги мадрасаси	84	532	145	12
28.	Қоратеп-Чимкент волости, Қоратеп қишлоқ йиғининг Куруксой қишлоғида «Исмоил Махсим» мадрасаси	42	2000	28	25
29.	Абохат қишлоғи. «Исмоил Махсим» мадрасаси	27	1080	127	6
30	Найнав қишлоқ йиғини, Найнав қишлоғи. «Исмоил Махсим» мадрасаси	17	2352	103	77
31.	Қумариқ қишлоғи. «Исмоил Махсим» мадрасаси	226	1920	148	54
32.	Қўқон қишлоқ волости. Суфан валий қишлоқ йиғини, Пастки валий қишлоғи. «Домила Абдукарим охунд халифа» мадрасаси	6	1500	6	85

33.	Суфан қишлоғи «Домула Абдукарим охунд халифа» мадрасаси	9	1200	4	18
34.	Нўқат қишлоқ йиғини, Нўқат қишлоғи. «Подшо Искандар» янги мадрасаси	7	1000	28	15
35.	Саманариқ қишлоғи. «Хазрати Азиз Хожи Эшон» мақбара ва қорихонаси	14		45	50
36.	Қува волости.Боистон қишлоқ йиғини, Хожабек қишлоғи. «Подшо Искандар» янги мадрасаси	14	2260	57	95
37	Толмозор қишлоқ йиғинида Найман толмозор қишлоғи. Марғилондаги Машад даҳасининг Ёр оталиқ маҳалласида жойлашган « Ёр оталиқ» масчити	76	1560	312	29
38	«Аҳмадбойвачча» мадрасаси.	18	150	78	84
39	Мингтепа волости.Найман қишлоқ йиғини, Даукар орол қишлоғидаги «Абдувоҳоббой» мадрасаси.	75	1800	167	45
40.	«Султон Муродбек» қорихонаси.	8	600	26	8
41.	Найман волости. Аирбоз қишлоқ йиғини, Аирбоз қишлоғи. «Бобоҳон шайхулислом» қорихонаси.	2	1100	1	63
42.	«Бобоҳон қози Асқар» мадрасаси	4	1056	2	71
43.	Сегазинская волость.Дўрмон қишлоқ йиғини, Қирбош-хадирча қишлоғи. Сарикбой Холдорбоев мадрасаси	31	1340	107	2
44.	Файзобод волост.Файзобод қишлоқ йиғини,Оқ пилла қишлоғи, «Подшо Искандар» кўхна мадрасаси	1541		705	22
45.	Ваҳим қишлоғи. «Подшо Искандар» янги мадрасаси	422	1200	421	98
46.	Ўқчи қишлоқ йиғини, Ўқчи қишлоғи. «Подшо Искандар» янги мадрасаси	250	810	582	4
47.	Оқтепа қишлоқ йиғини,Оқтепа қишлоғи. «Хазрат Азим хожа эшон» қорихонаси	15	1380	10	71

48.	Қамиштепа қишлоғи. «Хазрат Азим хожа эшон» қорихонаси	14	300	27	65
49.	Қора Қушчи қишлоқ йиғини. Анҳор қишлоғи. «Султон Муродбек қорихонаси» (Машад даҳасида жойлашган)	6	800	14	36
50.	Чимён волости. Каптархона қишлоқ йиғини, Каптархона қишлоғи. «Абдуваҳоббой» мадрасаси (Қаландархона даҳаси)	11	1210	8	99
51.	Ёйилма қишлоғи. «Сафилтўда» мачити ва қорихонаси	6	864	6	95
52.	«Домла Турсун Муҳаммад Охун» мадрасаси	66	432	69	66
53.	Гулпиён қишлоғи «Пошшо Искандар» кўхна мадрасаси	8	384	4	36
54.	«Абдуваҳоббой» мадрасаси	3	111	1	59
55.	Яккатут волости. Хонариқ қишлоғи йиғини, Хон-ариқ қишлоғи. «Офтоб пошшо» қорихонаси	15	1200	49	14
56.	«Пошшо Искандар» янги мадрасаси	29	528	26	95
57.	Рамазон қишлоқ йиғини, Рамазон қишлоғи. «Домла Мир Муҳаммад Амин қози калон» мадрасаси	81	2300	211	12
58.	Кўхна «Пошшо Искандар» мадрасаси	3	1050	9	85
59.	Заркент қишлоқ йиғини, Заркент қишлоғи «Домла Мир Муҳаммад Амин Қози Калон» мадрасаси	29	1968	30	51
60.	«Узун ховуз» мадрасаси	9	864	22	41
61.	«Номозга» мадрасаси		2040	2	43
62.	Қора кунаос қишлоғи. «Мулла Авазбек» масжиди	4	1344	9	69
63.	«Домла Мир Муҳаммад Амин Қози Калон» мадрасаси	39	1558	78	9

64.	Турбат қишлоғи. «Кўк мазор шариф» мадрасаси ва қорихонаси	311	1680	793	55
65.	Яна «Кўк мазор шариф» мадраса ва қорихонаси	12	720	35	55
66.	Оқшоқ қишлоқ йиғини, Оқшоқ қишлоғи. «Бадалбой» масжид ва қорихонаси	8	240	34	8
67.	Қиргули қишлоқ йиғини, Тошлоқ қишлоғи «Домла Мир Муҳаммад Амин Қози Калон» мадрасаси	7	816	21	51
68.	«Мулла Авазбек» масжиди	1	480	4	84
69.	Ёрмозор қишлоғи. «Бобоҳон қози Асқар» мадрасаси	18	720	63	90
70.	Сухтепа қишлоғи. «Хўжа Маъоз ибн Жабал» мазор, мачит ва мадраса	11	2160	37	10
71.	Жўйдам қишлоқ йиғини, Шўра (Ўрта) қишлоғи «Домла Абдукарим охун халифа» мадрасаси	25	1920	55	23
72.	Янги чек қишлоғи. «Гўраввал» маҳалла масжиди	155	1440	86	46
73.	Ёзёвон Волость. Жуйбозор қишлоқ йиғини, Жуйбозор қишлоғи. Кўхна «Подшо Искандар» мадрасаси	1	816	6	24
74.	Янги ариқ қишлоғи. «Домла Абдурахим қози Асқар» мадрасаси	1062	1590	579	47
75.	Гандимдон қишлоқ йиғини, Гандимдон қишлоғи Кўхна «Подшо Искандар» мадрасаси	3	500	15	55
76.	Арабмазор қишлоқ йиғини, Иштирхон қишлоғи «Сафилтўда» қорихона ва масжиди	13	794	40	63

Ҳаммомлар. Марғилоннинг 2000 йиллик юбелейи арафасида шаҳарнинг ёшани аниқлаш мақсадида олиб борилган археологик экспедиция шаҳарда илмий тадқиқот ишлари олиб борганида ҳозирги «Марғилон – Наманган» йўлининг «Марғилон – Қува» йўли билан туташган жойида XI-XIII асрнинг

бошларига оид ҳаммом қолдиқлари топилган. Аниқланишича, ҳаммом ўрта аср шарқ классик услубда қурилган бўлиб, икки юз йилдан ошиқ хизмат қилган. Лекин унинг сақланган қисми жуда ҳам ёмон ҳолатда бўлган. Асосан ер ости коммуникацияси сақланиб қолган. Қазилмалар шуни кўрсатади, Марғилон ҳаммомининг ер тагидаги муҳандислик қурилмаси Ахсикент ҳаммомининг ўзгинаси экан. Шунинг учун Марғилон ҳаммоми ҳақидаги тасавурларни Ахсикент ҳаммоми ҳақидаги маълумотлар асосида ўрганиш мумкин бўлди.

Марғилон ҳаммоми ҳам Ахсикент ҳаммомига ўхшаб моҳир муҳандис томонидан, махсус лойиҳа асосида, пишиқ ғиштлардан қурилган. Бундай ҳаммомлар мураккаб ер ости қурилмасига эга бўлган. Биринчидан, ҳаммом ер ости қурилмаси орқали иситилган, иккинчидан, ишлатилган чиқинди сув эса махсус ер ости қурилмаси орқали махсус чуқурга бориб қўйилган. Замонасининг моҳир муҳандислари томонидан бунёд этилган бундай ажойиб ҳаммомларни XI-XII асрларда Марказий Осиёнинг ҳар бир шаҳрида учратиш мумкин эди. Ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, Мовароуннаҳр ва Хуросонда IX – XII асрларда шаҳарларни ҳаммомсиз тасаввур қилиш қийин бўлган. Ҳаммом бу даврда шаҳар ҳаётини белгиловчи асосий ўлчовлардан бири бўлган. Баъзи бир йирик шаҳарларда бир неча ўнлаб ҳаммомлар фаолият кўрсатган. Ҳаммом фақат ювинадиган жой эмас, балки ҳордиқ чиқариб, дам оладиган ва керак бўлганда даволанадиган жой ҳам ҳисобланган. Узоқ юртлардан келган савдогарлар биринчи навбатда шаҳар ҳаммомларидан бирига кириб ювиниб, дам олиш пайтларида савдо музокараларини ҳам олиб боришган. Баъзида энг йирик олди-сотди ишлари ҳаммомдаёқ ҳал қилинган. Шунинг учун бўлса керак, ўрта аср адабиётида биронбир асар йўқки, унда ҳаммом ҳақида гап кетмаган бўлсин.

Марғилон шаҳар уyezди бошлиғининг 1877 йил 12 июлдаги хати билан Фарғона вилояти Ҳарбий губернаторига тайёрлаган 1907-сонли ҳисоботдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, шаҳарда маданий мерос объектлари бўлмиш мадрасалар, масжидлар кўп бўлган. Аммо бизгача уларнинг анчаси замонлар ўтиб нураш ёки атеистик тарғибот, зуғумлар сабабли атайин бузиб ташлангани оқибатида сақланиб қолмаган. Борлари эса бир неча маҳалла масжидлари, жомъе масжид, мадраса ва Марғилон чеккаси ёки унга яқин жойларда қурилган мақбаралардан иборат. Уларнинг кўпчилиги XIX аср охири ва XX аср бошларида қурилган бўлиб, ўзига хос маҳаллий хусусиятлари билан ажралиб туради.

Чор Россияси Туркистонни босиб олгач, пахта хом ашёсига бўлган ўзининг эҳтиёжларини қондириш учун пахта далаларини кўпайтирди. Рус бойлари билан

бирга маҳаллий бойлар ҳам пахта тозалаш заводларини қурдилар, баъзилари Россия билан савдо қилиб, янада бойидилар. Шу сабабли XIX аср охирларида савдогар ва заводчи бойлар Марғилонда идоралар, дўконлар, янги иморатлар, маҳалла масжиди ва мадрасалар қурилишига молиявий кўмак беришди. Шу тариқа эскилари тамоман бузиб ташланиб, (Ширмонпаз масжиди, Саййид Ахмадхонхўжа мадрасаси) ўрнига янгилари қурилди.

Марғилоннинг ҳар бир маҳалласида алоҳида ҳовлиси, ҳовузи ва бошқа иншоотлари бор масжидлар қурилган. Масжидлар фақат ибодатхона бўлиб қолмай, иншоотлар мажмуаси билан биргаликда маҳалла жамоаси учун марказ ҳам бўлган.

XVIII-XX асрлар бошида қурилган масжид биноларининг ҳар бири ўзига хос меъморчилик ечимларига ва умумий ҳусусиятларга ҳам эгадир.

Масжид бинолари ёпиқ бино, яъни қишки намозхона ва унга бир - икки ёки уч томондан туташ айвондан иборат бўлган. Масжид деворлари пойдевори пишиқ ғиштдан урилиб, ораси хом ғишт ёки гувала билан тўлдирилган ва иккинчи усул кўшсинч услубида тикланган. Лойсувокли том одатда ичкаридан қўйилган устунлар ёрдамида кўтариб турилган, гоҳида эса йўғон харилар қўлланган ҳолда устунсиз қурилган. Том устига қамиш тўшама ёпилиб, унинг устидан лойсувок қилинган. В. Воронина ёзганидек, «...энг яхши тураржой ва маҳалла масжидлари аҳолининг дид ва эҳтиёжларини акс эттирган... Улар хашаматли уй-жойларни қурадиган усталар томонидан тикланган». Бунга «Ҳазрати Мулла» ва «Думба-жўж» масжидлари мисол бўла олади.

Умум минтақавий белгилар билан бирга, Марғилонда тор маҳаллий жиҳатлар ҳам кўринади. Чунончи, кўпинча айвон ва қишки намозхона бир чизиқда жойлашиб, тўғри тўртбурчак шаклида шимол-жануб йўналиши бўйлаб чўзилган. Бунда бинонинг асосий томони Шарққа қиблага қараган бўлиб, кўпинча айвон майдони қишки намозхона майдонидан каттарок бўлган.

Олима А. Писарчик миллий услубда барпо этилган меъморий ёдгорликларини тадқиқ этишда ўша даврдаги моҳир меъмор усталарнинг бой тажрибаси, уларнинг оғзаки хотираларига таянган ҳолда иш олиб борган. Шу сабабдан, у Фарғона водийсидаги миллий меъморчилик намуналари ҳисобланган кўплаб ёдгорликларни бунёд этган усталар ҳақида маълумотлар келтирган. Унга кўра, XII асрда яшаб ўтган марғилонлик уста Муҳаммад Мусонинг фарзандларидан тўққиз нафари моҳир усталар бўлиб, уста Маъдусмон, уста Мамасиддиқ, уста Юсуфали исмли ўғиллари Марғилондаги кўплаб масжид ва мозорларни қуриш ишларида бош қош бўлганлар. Хатто уста Мамасиддиқ Фарғона шаҳрида бино

қилинган генерал губернатор уйи (хозирда театр биноси)нинг қурилишида ҳам фаол иштирок этган. А.К.Писарчик, шунингдек Марғилонда яшаб ўтган уста меъморлардан уста Турдимат (1850-1908), уста Исҳоқ (1858-1933), уста Ҳайдарали (1850-1923) ҳамда Махмуд Азим, Ҳакимжон, Мирзо Алихўжа, Хўжали Солиев каби усталар томонидан қурилган меъморий обидалар ҳақида ҳам қимматли маълумотлар келтиради.

Иморат усталари турли вазифаларни бажарганлар. Оддий девор урувчи пахсакашдан то бино деворини кўтарган, ғишткор уста гумбаз ва равоқлар боғлаб, пештоқлар ўрнатса, гулкор ғиштларга безаклар берган, сангтарош, тоштораш усталар бинонинг мармар ва тош безакларини пардозлашган, кошинпаз усталар турли кошин ясаб, уларни гуллар ва ёзувлар асосида нақш бериб тайёрлашган, наққош уста мўйқалами билан деворлар, шифт ва гумбаз остига нақшлар чизиб, ҳар хил ранглар берган.

Бинокорликдаги асосий касбларни эгаллаган ижодкор усталарни «Меъмор» ёки «муҳандис» деб улуғлашган. Асрлар оша етиб келган қадимий ёдгорликлар тузилиши, нисбати ва ўзига хос шакллари билан диққатни жалб этади. Уларни қуришда меъмор ўз замонасининг дид ва талабларига мос гўзаллик намунасини яратган. Меъморчиликда асосан тўртта талаб бўлган: қулайлик, мустаҳкамлик, тежамлик, гўзаллик.

Меъмор амалий геометрия ва математикадан хабардор оқил уста бўлган. Тарих тақозаси билан алгебра фанига асос солган ватандошимиз Муҳаммад Хоразмий (783–850) ва Абу Наср Фаробийнинг (870–950) амалий геометрия соҳасидаги рисолалари меъморлар учун қўлланма вазифасини ўтаган. Коинот бўйича текширишлар олиб борган, астрономия, геометрия ва тригонометрияга оид рисоалар муаллифи Абу Райҳон Берунийнинг меъморчиликка қўшган хиссаси шубҳасиздир.

Тарх (план) чизмасини чизишда меъмор квадрат катакчаларга чизиш қулайлик туғдирган. Тарх-тайин, тортиб олиб, бино қисмлари нисбати белгилаган, сарф қилинадиган ғишт миқдори ҳисобда бўлган. Бино тархи квадрат катакчалар устига чизилиб, турли ўлчамлар девор қалинлиги, эшик, дераза, равоқ, пештоқ кенглиги кабилар шу катак томонларига тенг ва такрорланувчи нисбатда бўлади. Хажм эътибори билан катакча томонлари ўша даврнинг маълум ўлчовига (газ, тирсак, қарич, қулоч) мос бўлган, тенг катакчалар ёрдамида меъмор қурилишга сарф бўладиган материаллар (ғишт, ганч, ёғоч) олдинданок осонлик билан ҳисобланган. Бинонинг хажмий тузилишини (эни, бўйи, баландлиги) ҳам нисбатлаб олинган.

Бинонинг устини ёпиш ёки томларининг беркитилиши асосан гумбаз ва балхи услубида ёпилган. «Гумбаз» сўзининг маъноси хона устини беркитувчи «кубба том» деган маънони беради. «Балхи» усулида гумбазнинг оддий тури, тўғри тўрбурчак ёки квадрат асосли хоналар устига тўрт қия териб борилади. Гумбаз остида равоқ, гажак ва хошиялар ҳам қўлланилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 29 июндаги «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги 269-сонли қарори, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитасининг 2005 йил 23 декабрдаги қарори ҳамда вилоят ҳокимининг 2011 йил 9-декабрдаги 188-10-01-59-сонли «Фарғона вилоятида «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш» тўғрисидаги қонун талабларининг бажарилишини янада яхшилаш чора-тадбирлари режаси» ҳақидаги қарорнинг ижросини таъминлаш юзасидан шаҳар ҳокимлигининг 2011 йил 22-декабрь кунги «Марғилон шаҳрида «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун талабларининг бажарилишини янада яхшилаш чора-тадбирлари режаси» га асосан Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш Фарғона вилояти Инспекцияси билан биргаликда шаҳардаги маданий мерос объектлари қайтадан хатлови ўтказилди ва ҳар бир тарихий меъморий ёдгорлик бўйича маълумотлар базаси яратилди.

Ушбу китобнинг мазмун ва мақсади юқоридаги қарорларнинг ижросига, шаҳар ҳудудида жойлашган маданий мерос объектларини муҳофаза қилишга ва улардан фойдаланишни тартибга солишга, тарих ва маданият ёдгорликларини ҳар томонлама ўрганишга, уларни оммалаштириш ва тарғиб қилишга қаратилгандир.

Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейи нишонланиши, маданий мерос объектлари «Пур Сиддиқ» мажмуаси, «Саййид Аҳмадхонхўжа» мадрасаси ва «Ҳонақо» масжидининг қайтадан таъмирланиши каби ҳайрли тадбирлар, шаҳарда нафақат ташқи туризм, шунингдек ички туризмнинг ҳам ривожланиши учун муҳим роль ўйнаши шубҳасиздир.

Шаҳар ҳокимининг 2011 йил 18 ноябрдаги 06\01-99- сонли «Марғилон шаҳрида 2012 йилда туристик хизматлар экспорт ҳажмини ошириш мақсадида белгиланган манзилли чора-тадбирлар дастури»га асосан шаҳардаги ҳар бир тарихий меъморий ёдгорлик тарихини ўрганиш асосида маълумотлар базасини яратиш ва қўшимча маълумотлар топиш мақсадида Тошкентдаги марказий

архив, фото ва кино ҳужжатлар архивида 2012 йилнинг февраль ойи мобайнида Тошкент шаҳрида бўлинди, шаҳар тарихига таълуқли қимматли маълумотлар, 120 дан ортиқ фото суратлар олиб келинди. Ушбу маълумотлар шаҳарнинг тарихий меъморий ёдгорликларини акс эттирган фотоальбом ва буклетларда акс этирилади.

Маълумки, Марғилоннинг 2000 йиллик юбелейи арафасида шаҳарнинг тамғаси ишлаб чиқилган эди. Бу тамғада Бурҳониддин ал-Марғинович мажмуасида қурилган ёдгорлик тўлиқ тасвири, бир тарафида Ўзбекистоннинг байроғи тасвири, бир тарафида Марғилон хон атласи тасвирланганди. Лекин бу тамғада кўзланган мақсад тўла ўз ифодасини топмаганди, 2000 йиллик юбелейи нишонланган шаҳар рамзини тўлақонли акс эттирмаганди. Шунинг учун Марғилон шаҳрини дунё туризм бозорида кенгрок тарғибот қилиш ва шаҳар ҳақидаги маълумотларни тайёрлаб, шаҳарда туризм соҳасини ривожлантиришда фойдаланиш, мақсадида шаҳар туризм тамғасини ишлаб чиқиш лозим топилди. Шу боис «Олтин мерос» Ҳалқаро ҳайрия жамғармаси Марғилон шаҳар бўлими, Бурҳониддин Марғинович жамғармаси ва Ўзбекистон Бадий академияси ижодкорлар уюшмаси Фарғона бўлимлари ҳамкорлигида шаҳар тамғасини ишлаб чиқиш бўйича танлов эълон қилинди. Танловга кўплаб таклиф ва ғоялар билдирилди. Улар ичидан ғоя муаллифи - Азизбек Муртазаев ва рассом Алишер Ҳамидовларнинг лойиҳаси маъқуланиб, хайъат томонидан танлаб олинди.



Марғилон шаҳрининг тамғаси ва унинг тавсифи

Маълумки Марғилон 2000 йилликдан ортиқ тарихга эга шаҳардир. Унинг қадимдан ривожлаган цивилизация ўчоғи бўлганлиги ва бу ерда яшаб келган аҳолининг турмуш тарзи, диний қарашлари, иқтисоди, шаҳар меъморчилиги ва, умуман, унинг урбанизацион марказ (шаҳар) бўганлигини кўплаб тарихий манбалар ва ўтказилган археологик тадқиқотлар ҳамда ҳалқаро ЮНЕСКО ташкилоти томонидан тасдиқланган. Албатта, бой тарихга эга бундай шаҳарнинг хусусиятларини билиш бир тамға орқали ифодалаб беришнинг имкони йўқ.

Шундай бўлсада ушбу тамғада Марғилоннинг чуқур тарихий ўтмиши билан бирга янада порлоқ келажакка интилиш ғояси маълум маънода ифодаланган.

Юқоридаги 3 та гумбазсимон ҳошиялар қадим мозийга назар маъносини англатса, пастдаги зина шаклидаги 3 та чизик келажакка интилишнинг, юқори ва пастдаги ҳошияларнинг бирбирига туташлиги ўтмишсиз келажак йўқ эканлигини англатади.

Марғилон ҳудудида ўтказилган археологик қазилма ишлари натижасида топилган топилмалар ва этнографик кузатишлар бу ер аҳолиси эраמידан аввалги даврлардан араблар истилоси даври-VIII аср бошларига қадар оташпарастилик динига мансуб бўлганлигини ўртада келтирилган олов рамзи орқали ифодаланган. Арабларнинг Ўрта Осиёга келиши билан Ислом дини кириб келган бўлса, ислом ва маданий ренессанс кенг тарқалган асрларда Марғилоннинг ҳиссаси катта бўлган. Ўрта Осиёда исломнинг ёйилиши билан диний ва дунёвий илм – фан тараққий этган ва бу тараққиётга буюк мутафаккир Бурҳониддин Марғиновичнинг «Ҳидоя» ва бошқа асарлари орқали қўшган хиссалари ҳам бекиёс. Ўртадаги лавҳга қўйилган китоб ана шу «Ҳидоя» асарининг рамзидир. Ушбу китобдан чиқаётган олов ёруғлиги бир томондан ушбу асарнинг ислом ҳуқуқини ўрганишга салмоқли хисса қўшганлигини англатса, бошқа тарафдан жамиятда оловни эъзозлаш ҳатто ислом тарқалган вақтда ҳам сақланиб қолганлигини билдиради.

Марғилонда ҳунармандчилик жуда қадимдан ривожланган. Бу ерда тайёрланган маҳсулотлар Буюк Ипак йўли орқали дунёнинг бошқа давлатларига тарқалган бўлса, ана шу ривожланган ҳунармандчилик ҳозирга қадар ўз изини йўқотмай янада ривожланиб келмоқда. Бугунга келиб Марғилон ипакли матолар тайёрлаш бўйича Ўрта Осиёнинг «юраги»га айланган. Жумладан, Марғилон хонатласи бу шаҳарни бутун дунёга янада машҳур қилганлигини ва бу ердаги ривожланган ҳунармандчиликни тамғада оловсимон хонатлас нусхаси орқали акс эттирилди.

БУРҲОНИДДИН АЛ-МАРҒИНОНИЙ МАЖМУАСИ

2000 йил 16 ноябрь санаси Марғилон шаҳри тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилди. Республикамиз Президенти Ислон Каримов буюк аллома Бурҳониддин ал-Марғиноний таваллудининг хижрий сана бўйича 910 йиллиги муносабати билан Марғилонга ташриф буюрдилар ва ўзларининг ташаббуслари билан бунёд этилган Бурҳониддин ал-Марғиноний мажмуасининг очилишида ёрқин нутқ сўзлаб, Бурҳониддин ал-Марғинонийни «Ҳидоят йўлининг сарбони» деб шарафладилар.

Бурҳониддин ал-Марғиноний (1123-1197йй) ҳазратлари 9 ёшларида боболари Абу Ҳафз Умар аз- Зандрамаший билан Марғилонга келадилар ва Пур Сиддиқ мадрасасида 13 йил таълим олганлар. Жаҳон ҳуқуқшунослигида катта ўрин эгаллаган, араб-мусулмон дунёси ҳуқуқчилиги тизими-шариатни юксак даражасидаги мукаммаликка етказган улуғ бобомиз «Бурҳон-уд-дин» яъни «Ислон ва шариатнинг рад қилиб бўлмайдиган мутлоқ исботи» фахрий унвони соҳиби Абу-л Ҳасан Али Абу Бақр ибн Абу-л Жалил ал-Фарғоний ар-Риштоний ал-Марғинонийдирлар. Алломанинг ислом фикҳига оид 10 та асаридан 6 таси бизгача етиб келган. Асарнинг биринчи қисми бўлган «Дафтари аввал» Марғилондаги Пур Сиддиқ мадрасасида чиллахонада рўза тутиб ёзилган, деган маълумотлар бор. Ҳазратнинг «Ал-Ҳидоя» (тўғри йўлга бошловчи) машҳур шох асари Зулқаъда ойининг тўртинчиси, хижрий 573 йил (1178 йил апрель ойи)да Самарқандда ёзиб тугулланган.

Ушбу мажмуа шаҳарнинг Фарғона-Марғилон йўналишида Марғилон темир йўл шохбекати яқинида жойлашган. (Шаҳар марказидан 1-3 йўналишдаги автобуслар ёрдамида бориш мумкин).

ПУР СИДДИҚ МАЖМУАСИ



XVIII аср ўрталарида қурилган. Уни Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ, (р.а.) номлари билан боғлайдилар. Бухоро амири Субҳонқулихон (1680-1702 йй) томонидан Марғилондаги Пур Сиддиқ мазорига берилган вақфномада Пур Сиддиқ зиёратгоҳида М о в а р о у н н а ҳ р д а «Чаҳорёрлар» деб аталган

тўрт халифадан биринчиси Абу Бакр Сиддиқ (572-634 йй)нинг авлоди дафн этилган, деган маълумотлар келтирилган. Ёзма ҳужжатларда Ҳазрат Пур Сиддиқ номи билан қайд этилган. Даврлар ўтиши билан унинг арофида масжид, минора, мақбарали ҳовли, дарвозахона ҳамда каптархонадан иборат бўлган архитектура комплекси пайдо бўлган. Шу сабабли у халқ ўртасида «Каптархона», «Каптарли мазор» деб ҳам аталади. Пур Сиддиқ комплексининг асоси бир хонали пештоқли мақбарадан иборат. Тарҳига кўра мақбара тўғри бурчакли (11,8x11 м), пештоқ равоқли, сағанали тўрт бурчак хона билан уйғунлик ҳосил қилади. Мақбара ичида иккита узунлиги 5 метрли қабрлар мавжуд. Ривоятларга кўра, бу зиёратгоҳга халифа Абу Бакр Сиддиқнинг авлодлари яъни жиянлари Шожалил ва Пошшобиби дафн этилган. Хонанинг текис шифтини тўрт ёғоч устун кўтариб туради.

Улардан бирининг танаси, таг тўсини ва устун қоши ўйма нақшлар билан безатилган. Даҳма Фарғона водийсидаги бир хонали мақбаралар сингари дастлаб гумбаз билан ёпилганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. XVIII-XIX асрларда водий бўйлаб меъморий бинолар



қурилишида кенг тарқалган фарғонача пештоқ мақбаранинг меъморий кўринишига ўзига хослик касб этади. Мақбаранинг пештоқи безак бериб ишланган баланд деворни эслатади. Ён бурчак устунлари пештоқдан анча баланд жойлашган енгил қафазли мезана билан яқунланган.

Мажмуа 2007 йили Марғилоннинг 2000 йиллик юбелейи арафасида мухтарам Юртбошимиз, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг қарорига кўра таъмирланганда ислом дунёсининг машхур намоёндаси, ислом қонуншунослигининг йирик олими Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг чиллахонаси ҳам қайтадан тикланди.

Ушбу мажмуа шаҳарнинг Марғилон- Андижон йўналишида Тошлоқ тумани чегараси яқинида «Йўрмадўз» МФЙ ҳудуди Алишер Навоий номли кўчасида жойлашган. (Шаҳар марказидан 2-йўналишдаги автобуслар ёрдамида бориш мумкин).

САЙИД АҲМАДХОНХЎЖА МАДРАСАСИ



Сайид Аҳмадхонхўжа (Ғиёсхўжаев) Қилич Бурҳониддин уруғларидан бўлиб, хожи Ғиёсиддинхўжа эшоннинг фарзандидир. Сайид Аҳмадхонхўжа (XX аср) ўз даврининг таникли, кўзга кўринган илмли ва олижаноб

маърифатпарварларидан бўлган. Ғоят ишбилармон ва тадбиркор бўлиб, пахта тозалаш ва ёғ заводлари қурган. 1897 йилда чоп этилган «Фарғона вилоятининг йиллик обзори» тўпламининг пахта тозалаш заводлари бўйича маълумотномада Сайид Аҳмадхонхўжа Ғиёсхўжаевнинг 1893 йилда қурилган, буғда ишловчи пахта тозалаш заводи борлиги келтирилган.

Сайид Аҳмадхонхўжа мадрасаси 1907 йилда бошланиб 1909 йилда номаълум меъмор томонидан қуриб битказилган. 18 та хужра ва 2 айвонли масжиддан ташкил топган.

Муҳаммад Азиз Марғилонийнинг «Тарихи Азийий» асарида мадраса қурилиши тарихи шундай келтирилади: «шул маҳаллада ўз қаср эшиклари рўпарасидаги Ҳазрати Бобохон шайх ул-исломни «Эски тут» мадрасаси ва қорихоналарининг ҳамма иморатларини бузиб ташлаб тарих 1325(милодий 1907) йили бошлаб бир катта мадрасаи Жомъеъ билан қорихона, мактабхона бино қилдилар Тономи к у р с и б а н д л а р и м а р м а р д а н , а р м а н и й усталарни олиб келиб



ишлатиб, баланд кўтартириб катта Жомъе масжиднинг айвони ва ҳам хонақоҳи деворлари, дарсхоналари хишти пухтадан, кўча тарафи айвони, хонақоҳу дарсхонаси, тамоми девор ишдан қутулиб, тепасини ёпмоқ ҳаракатига тушдилар. Бу санада, ниҳоят, масжиду хонақоси битганда, анча қиёс қилиб айтадилар, яни



икки йил, яъни 1909 йилда шул мадрасаи Жомъеъ тамоман тайёр бўлинур экан»

Аммо мадраса битгач фақат 19 йил фаолият кўрсатди. 1909-1018 йиллар мадраса, 1928-1942 йиллар камоқхона, 1942- 1986

йиллар умумтуриш жойи, 1986-1992 йиллар Марғилон шаҳар Адабиёт ва санъат музейи, 1999 йилдан «Хунарманд» уюшмаси Марғилон шаҳар бўлими идораси сифатида фаолият кўрсатиб келди.

2007 йилда Марғилон шахрининг 2000 йиллик юбелейи муносабати билан муҳтарам Юртбошимиз И.А.Каримов ташаббуси билан бино тубдан таъмирланди ва 2007 йил 7 сентябрь куни шахсан архитектура ёдгорлигига ташриф буюрганларида ушбу ерда «Миллий хунармандчилик маркази» очилди.

Марказда Марғилоннинг машҳур хунарманд оилалари, «Ташаббус-2005» кўрик-танлов совриндори, машҳур ипакли матолар устаси Турғунбой Мирзааҳмедовнинг фарзандлари Рахимжон ва Расулжон Мирзааҳмедовлар оиласи, Марғилон читгарлик санъатини сақлаб келаётган читгар Солижон Аҳмадалиевнинг фарзанди Шукрулло Аҳмадалиев, мисгарлар авлодининг 5 вакили Абдуҳамид Мадалиевлар устахоналари мавжуд.

Марказда 500 дан ортиқ хунармандлар аъзо бўлган Марғилон «Хунарманд» уюшмаси идораси, хунармандлар махсулотлари галереяси ва «Хунармандлар музейи» ишлаб турибди.

Баъзи манбаларда мадрасанинг номи «Шайх-ул-ислом» деб номланган. Кейинчалик аҳоли томонидан мадраса уни қурдирган инсон номи билан аталиб кетган, дейишади.

Тенг томонли (35,2x32,2 м) ҳовлининг шимолий- ғарбий бурчагида бир томонлама айвон билан симметрик масжид қад кўтарган, унинг атрофига томи»балхи» гумбазли қилиб ёпилган хужралар қурилган. Танаси кучоққа сиғмайдиган кекса чинорлар ҳовлидан оқиб ўтадиган катта арикқа, соя ва салқин беради. Бино ташқи томондан текис бўлса-да лекин ҳовли томондан қурилган кунгираддор деворлар билан ажратиб ишланган қатор меҳробий равоқлар хужралар салобатига салобат кўшиб туради. Усталар рус меъморчилиги билан танишиб, масжид томи қурилишида модерн усул қўллаб, жозибали ҳал қилишган.

Айвонда анъанавий тўсинли текис том икки қатор 4 та устунга қўндирилган бўлса, катта хона (14x7м) туташ харилар билан ёпилиб, шифт уларга осиб-тортиб қўйилганки, натижада хона ичида тик таянчларга эҳтиёж қолмаган. Бино пишиқ гиштдан қурилган, лекин усталар маҳаллий сейсмик шароитларни ҳисобга олиб, масжид деворларини икки қаторли қўш синч билан мустаҳкамлаганлар. Бу масжиднинг айвон ва шифтларига сидирға гуллар солинган, безаклари ва услублари турлича бўлган бундай обида Фарғона водийсида жуда кам учрайди. Зал шифти энсиз томони ўртасида кенг қизил ва яшил чизиқлар билан бўлинган бўлиб, уларга гуллар ва чирмашган новдалар кўзга ташланади. Айвон шифти ҳам худди шундай ранг-баранг, аммо тоқи тўсинларга ишланган гуллар бир қадар майдароқ. Ганчга ўйма қилиб ишланган геометрик занжир нақш хона деворининг юқори қисмини тўғри бурчакларга бўлиб туради, улар текислигида эса меҳроб ишланган. Деворлар анъанавий икки хил қирма услубида бажарилган арақи сарроб билан яқунланган. Мадраса қурилишининг ички-ташқи уйғунлиги бино қисмларининг мутаносиб ўлчамлари ва ўзига хос тузлиши билан ҳам эътиборга сазовордир.

Ушбу мажмуага шаҳар марказидан шаҳар ҳокимияти тарафига юриб, Педагогика коллежи ёнидаги кўчадан борилади.

Мажмуа «А.Навоий» номли МФЙ ҳудудидан Саид Аҳмад хўжа эшон кўча № 1 уйда жойлашган.



ЖАҲОН ОТИН УВАЙСИЙ УЙ-МУЗЕЙИ



Шарқнинг мумтоз шоираси Жаҳон отин Увайсий таҳминан 1789-1790 йилларда Марғилоннинг Чилдухтарон (Қирқ қизлар) маҳалласида дунёга келган. Отаси Сиддиқ бобо адабиётдан хабардор бўлиб, форс-тожик тилларида шеърлар ёзган. Онаси Чинни биби саводли аёл бўлиб, мактабдорлик қилган. Жаҳон отин саводини оиласида олиб, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Фузулий, Машраб каби буюк шоирларнинг ижодларини мукаммал

ўрганган. Шоиранинг адабий таҳаллуси Увайсий бўлиб, яна бир таҳаллуси Вайсий бўлган. Машхур шоира Нодирабегимнинг устози бўлган. Кўкон хони Нодирабегимнинг турмуш ўртоғи Умархон томонидан Марғилонда уй қуриб берилган. Увайсийнинг 15 минг мисрадан зиёд ғазалларини ўзида жамлаган «Девон», «Шаҳзода Ҳасан» достони, «Воқеоти Муҳаммадалихон» номли асарлари бизгача етиб келган. Шоира таҳминан 1850 йилларда вафот этган. Марғилоннинг 2000 йиллик юбилеи муносабати билан 2007 йилда Жаҳон отин Увайсийнинг уй-музеи, ўзи ҳамда авлодлари марқаглари мажмуи барпо этилди.



Ушбу мажмуа шаҳарнинг марказидан собиқ «Ипакчилар шаҳарчаси» тарафига, «Бурҳониддин Марғилоний» кўчаси бўйлаб юриб, «Навбахор» кўчасига бурилганда № 94 уйда жойлашган.

ХЎЖА МАЪОЗ ЗИЁРАТГОҲИ



Хўжа Маъоз ибн Жабал
зиёратгоҳи Марғилон
шаҳрининг Ёйилма
маҳалласида жойлашган.
Хўжа Маъоз мазорини
маҳаллий аҳоли Муҳаммад
пайғамбар (с.а.в.)
нинг Маъоз ибн Жабал
исмли фақиҳ ва ровий
саҳобаларидан бири билан
боғлиқ, деб қарашади.

Тарихдан маълумки,

Маъоз ибн Жабалнинг тўлиқ исми Абу Абдурахмон ал-Ансорий ал-Хазражий ал-Жашмий (640 йили вафот этган) гарчанд Мовароуннаҳрга келмаган бўлса-да, бироқ, унинг номи билан боғлиқ, зиёратгоҳлар нафақат Фарғона заминида, шунингдек Хоразмда ҳам мавжуд бўлган. Марғилондаги унинг номи билан аталувчи зиёратгоҳ аҳоли орасида «Хўжа Мағиз», «Хаста Маъоз мазори» деб ҳам аталади. Санкт-Петербургдаги Салтиков-Щедрин номли кутубхонанинг Шарқ қўлёзмалари бўлимида Хўжа Маъоз зиёратгоҳига доир бир қанча ҳужжатлар сақланган бўлиб, Марғилон уездидаги вақф ерларларига солинган мулк солиғи ҳужжатларининг (Материалы для статистического описания Ферганской области. Результаты поземельно-податных работъ. Выпускъ II. Маргеланский уездъ. Типогр. Ферганск. областн. правления. г. Н. Маргеланъ. 1899г) икки жойида: Аввал волостини пастки Учқўрғон қишлоқ йиғинидаги пастки Учқўрғон қишлоғида ва Заркент волости, Қиргули қишлоқ йиғини, Сухтепа қишлоғида Хазрати Маъоз ибн Жабал мазори, мадраса, мачитининг вақф ерлари борлиги қайд қилинган. Ҳозирда ушбу мажмуа дарвозахона, мақбара, Мўйи муборак зиёратхонаси ва катта ёзги айвонли масжиддан иборат.

Қабристоннинг ичкари қисмида жойлашган «Хўжа Мағиз» мақбараси ушбу мажмуанинг илк қурилиши бўлиб, XV-XVI асрларга тааллуқлидир. Ҳозирги вақтда ушбу бинонинг дастлабки безаклари ва пештоқининг юқори қисми нураб тушган. Аммо шунга қарамай, мақбара ўзига хос маҳаллий хусусиятларга эга ва нисбатан яхши сақланган иморат саналади.

Шу мазордаги Чиллахона ҳам дастлабки иншоотлардан. У мақбарадан шимоли-шарқ томонда, 15 метрлар нарида жойлашган.

«МЎЙИ МУБОРАК» ЗИЁРАТГОҲИ



Хўжа Маъоз ибн Жабал зиёратгоҳининг жанубий томонида «Мўйи муборак» зиёратхонаси бор. Нақшларининг соддалиги, шаклларнинг бежиримлиги ва мутаносиб эканлиги ушбу иншоот маҳаллий меъморчилик анъаналари ривожланган XVIII аср бошида қурилган, деб хулоса чиқаришга асос бўлади. Маълумотларга кўра 1848 йили Марғилон шаҳрида элатон уруғига мансуб кичик ўтамбой парвоначи ҳокимлик қилиб турган кезлари у «Мўйи Муборак»ни

таъмирлаш ишларига катта эътибор беради. Ўша даврларда ўтамбой парвоначи Марғилонга ҳокимлик қилган бўлса, Муслмонқул Худоёрхонга ҳам қайнота, ҳам мингбоши сифатида ҳар жиҳатдан жуда яқин турувчи биринчи даражали шахс бўлиб қолган эди.

Вақфномада келтирилишича, ҳоким ўтамбой парвоначи ўзининг холис молига Ҳазрат Расули Акрам (САВ)нинг муқаддас соч толаси сақланган «Мўйи Муборак» зиёратгоҳининг гумбазини бино қилади. Қолган маблағига илм ва дин аҳлининг талабига кўра зиёратгоҳ яқинидаги мадрасаи олийни таъмирлайди. Ўтамбой парвоначи бу билан чекланиб қолмай, «Мўйи Муборак» зиёратгоҳининг ховлисида зиёратчилар учун зиёратхона, меҳмонхона, дарвозахона қурдиради. Унинг бу хайрли ишлари Марғилон аҳлини хушнуд этиши шубҳасиз эди. Мирзааолим Мушриф ва Ниёз Муҳаммад Хўқандийнинг келтирган маълумотларига кўра, Худоёрхон ҳукмронлигининг биринчи даврида ўтамбой Қушбеги хон ишончини қозонганлиги учун Марғилон ҳокимлигидан мингбоши даражасига кўтарилди. Академик А.Ф.Мидендорфнинг келтирган маълумотларига қараганда Марғилон ҳокими ўтамбой Қушбеги 1853 йили Файзиобод қишлоғидан Девона рабоб қишлоғига қадар ариқ қаздириб, шу ерга 300 оилани олиб келиб жойлаштирган. Бироқ кўп ўтмай 1856 йили ўтамбой Қушбеги оламдан ўтган. Демак ушбу маълумотлардан кўринадики ўтамбой Қушбеги Марғилонда тахминан 10 йилдан ортиқ вақт мобайнида ҳокимлик қилган. Ҳозирда «Мўйи Муборак» мазори меъморчилик ёдгорлиги сифатида сақланиб қолган.

«КИРГИЛ ОТА МОЗОР» ЗИЁРАТГОҲИ

«Киргил мазор» зиёратгоҳи Марғилон шаҳрига жанубий томондан киришда шу ном билан аталувчи маҳаллада жойлашган. Иккинчи номи «Киргил мазор». Нақл қилишларича, бундан тахминан икки юз йил муқаддам яшаб ўтган Киргил ота ёхуд «Мушукни тирилтирган тўрам» номи билан машҳур бўлган Ҳазрат Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ хожага атаб қурилган мақбара.

Киргил ота мазори деб аталишига оид қуйидаги ривоятлар мавжуд : Кунлардан бир куни Ҳазрат Убайдулло Ҳожа Эшон масжидда ваъз айта турган маҳали унинг муридларидан бири келиб. «Ҳазратимнинг ваъзларини эшитишга кечикибман», дея ташқарида киришга журъат қилмай турган пайт унинг холати Убайдулло Ҳожа Эшонга маълум бўлиб: «Киргил сўфи», дея хитоб қилади. Масжиддагилар Ҳазрат бу сўзларни кимга айтди экан деб таажжубга тушганларида эшик очилиб, бояги сўфи кириб келади. Шу тарзда Убайдулло Ҳожа Эшонни «Киргил ота» деб аташган экан.

Яна бир ривоятда келтирилишича, Фарғона водийси ҳудудига қалмоқлар босқин қилиб, ҳозирги Қирғули ҳудудига етиб келганларида бундай дахшатли балони даф қилишни аҳоли Ҳазрат Убайдулло Ҳожа Эшондан илтимос қилади. «Авлиёлар худомас лекин Худо улардан жудо эмас», деганларидек Ҳазрат Убайдулло Ҳожа Эшон эрта тонгда Худодан юртга келган балони тезроқ даф қилишни сўраб : «Худойим, бу душманни ўзинг қайтар ! Илоё битта қолмай қирилиб кетсин», дея дуо қилгач, душман ўз-ўзидан қирилиб кетган экан. Шундан сўнг бу ном «Қирғил» ёхуд кейинчалик «Қирғули» деб юритилган.

«УЛУҒ МОЗОР» (УЛУҒ ОТА) ЗИЁРАТГОҲИ

Улуғ ота зиёратгоҳи Марғилон шахрининг Машад маҳалласида жойлашган. Аҳоли, орасида «Улуғ мазор», «Қурук мазор», «Чаққа мазор» номи билан машҳур бўлган. Нақл қилишларича, бу ерга Имом Абдулазиз ибн Абдураззоқ ибн Наср ибн Жаъфар ибн Сулаймон ибн Суккон ал-Марғиноний дафн этилган.



Маълумотларга кўра, унинг олтита олим ўғли бўлган. Уларнинг ҳаммаси ўз замонасида дарс беришга қодир ва тақводор кишилар бўлиб етишганлар. Имом Абдулазиз ўз ўғиллари билан (кўчага)чиқса, одамлар оталарини ҳам кўшиб, «битта онадан (туғилган) еттита раҳмат ҳазиналарига йўллари очилганлар чиқишди», дер эканлар. Имом Абдулазиз имом Абулҳасан Замир ибн ал Ҳасан ва бошқалардан дарс тинглаган. Шайх Лакнавий унинг ўғилларидан Абулҳасан Заҳириддин Али ва Шамсуддин Маҳмуд ал-Узжандий жуда машҳур эканликларини айтади. Шунингдек «Битта ҳовлидан еттита илмга мафтун бўлганлар чикди» ибораси ҳам уларга тегишлидир. Имом Абдулазиз ҳақида унинг ўғиллари ривоят қилганлар. У Самарқандга кетиб, ўша ерда яшайди. Ҳадис илмидан дарс беради. Кексайгач ўз юртига қайтиб, 477 ҳижрий (1084) йили Марғилон шаҳрида 68 ёшида вафот этган. Демак, ушбу маълумотдан кўринадики, Имом Абдулазиз 410(1016) йилда дунёга келган.

Ривоятларга кўра, Имом Абдулазиз «Машад» маҳалласида таваллуд топганлиги учун уни шу ерга дафн этишган экан. Шу аснода машҳур алломанинг қабри марғилонликлар учун муқаддас зиёратгоҳга айланган.

«ХОЖА МУҲАММАД ПОРСО» ЗИЁРАТГОҲИ

Хожа Муҳаммад Порсо зиёратгоҳи Марғилон шаҳрининг Хожа Порсо маҳалласида жойлашган.

Тасаввуф тариқатининг улуғ намоёндаларидан бири, тарихчи ва илоҳиётшунос Хожа Муҳаммад Порсонинг тўлиқ номи Муҳаммад ибн Маҳмуд Хофизий Бухорийдур. Ул зот 1348



йили Бухоро шаҳрида туғилган бўлиб, Баҳоуддин Нақшбанднинг иккинчи халифасидир. «Порсо» унинг лақаби бўлиб, бу лақабни унга Баҳоуддин Нақшбанд берган. «Порсо» сўзи «диндор» деган маънони беради. Хожа Муҳаммад Порсо Амир Темур ва унинг авлодлари Ҳалил Султон (1405-1409) ва Мирзо Улуғбек (1409- 1449) замонида давлат ишларида фаол иштирок этган. Ул зот форс-тожик ва араб тилларида бир неча асарлар ёзган. Хожа Муҳаммад Порсо тасаввуф тариқати ва тарихни ривожлантиришга доир «Рисолаи қудсия», «Аз анфози қудсияи машойихи тариқат», «Таҳқиқот», «Тафсири Қуръон», «Ал-ҳадис ул арбаъуна», «Рисола дар одоби мурид», «Рисолаи каш-фия», «Рисолаи маҳбубия», «Шарҳи Фикҳи Кайдоний», «Мухтасари таърихи Макка», «Фусули ситта», «Ҳафтоду ду фирка», «Мақомати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд», «Мақомати Хожа Алоуддин Аттор» асарларини ёзган.

Хожа Муҳаммад Порсо икки марта Ҳаж амалини адо этади. Дастлаб, Ҳаж зиёратини Баҳоуддин Нақшбанд билан, кейин 1419 йили Бухородан Термиз, Балх ва Ҳирот орқали Нишопурга, ундан эса Мадинага кириб боради. Ҳаж зиёратини амалга оширгач, касалга чалиниб, 72 ёшида вафот этади. Амир ул-муъминин Аббос мақбараси ёнига дафн этилади.

Келтирилган маълумотларга кўра, Хожа Муҳаммад Порсо зиёратгоҳидаги етти қабрдан бири унинг фарзандининг қabri бўлиб, қолганлари Абдуҳалил Ҳазрат домла, Бухор домла, Биби Ойша, Нуриддин махсум, Мулла Абдусамад охун, Шамсиддин Табризий сингари мўтабар зотларнинг қабрларидир. Марғилон шаҳрининг «Хожа Порсо» кўчаси, 65 уйда жойлашган.

«ШОҲ МАНСУР» ЗИЁРАТГОҲИ

Пур Сиддиқ зиёратгоҳи ёнидаги қабристонда аҳоли орасида Шаҳид мазор номи билан машҳур бўлган икки зиёратгоҳ мавжуд. Нақл қилишларича, бу ерга Қутайба Ибн Муслим билан бирга келган араб жангчилари дафн этилган. Ривоятларга кўра, ўша вақтларда Марғилон атрофларида ғайридинлар билан бўлган жангларда шаҳид бўлган мусулмонларнинг барчасини бир қабрга дафн этишга тўғри келганлиги учун уларнинг қабрини «Шаҳид мазор» номи билан атаган эканлар. Маҳалла улуғларининг ҳикоя қилишларича, Шаҳид мазор зиёратгоҳида куфий ёзувлар битилган қайроқтош бўлган. Бироқ ҳозирги кунга келиб мазкур қабртоши сақланиб қолмаган. Қабристоннинг шимолий тарафида эски масжиднинг қишки номозгоҳи ва айвони сақланиб қолган. Лекин собиқ Шўролар тузуми даврида масжид буюм омборларга айлантирилиб қаровсиз қаралгани учун хароб аҳволга келиб қолган.

«КАПТАРЛИ МОЗОР» МАСЖИДИ



Ҳазрат Пур Сиддиқ зиёратгоҳи даврлар ўтиши билан унинг арофида масжид, минора, мақбарали ҳовли, дарвозахона ҳамда каптархонадан иборат бўлган меъморчилик комплекси пайдо бўлган. Шу сабабли у аҳоли ўртасида «Каптархона», «Каптарли мазор» деб ҳам аталади. «Каптарлик мазор» масжиди «Пур Сиддиқ» мажмуасига кирувчи қишки намозхона ва устунли айвондан иборат. Айвон деворларининг сиртига ганч қопланиб, у «қирма» усулида нақшланган ва икки тусдаги бўёқ билан жилоланган. Меҳроб ҳам шу тарзда зийнатланган. Айвоннинг тўртта устунни сталактит муқарнасларни кўтариб туради. Шифтга эса ранг-баранг тусдаги нақшлар

билан жило берилган. Ушбу бинонинг кириш қисми шарқ томонга қараган бўлиб, у маҳалланинг масжиди ҳам ҳисобланади.

Масжид минораси (ҳижрий 1322, мелодий 1901 йил) ундан шарқ томонда бўлиб, европача шаклдаги пишиқ ғишт билан ганчхок кўшиб қурилган. Цилиндр шаклидаги минора тепасида олти қиррали ойнабанд қубба жойлашган.

Ҳозирда у Ўзбекистон Республикаси мусулмонлари Диний идорасининг «Каптарли мазор» расмий масжиди сифатида фаолият кўрсатмоқда.

«Йўрмадўз» номли МФЙ ҳудудида «Тўралар» кўчаси 84 а уй.



«ЧАҚАР» САЙИД ЖАЛОЛХОН ТЎРА МАСЖИДИ



«Чақар» сўзи тапоним сифатида республикамизнинг кўпгина жойларида учрайди. Жумладан Самарқанд вилоятининг Норпой туманида, Қорақалпоқистондаги Амударё тумани территорияларида «Чақар» номли қишлоқлар бор. Тошкент шаҳрида бир маҳалла «Чақар», деб аталади. Чақар «хизматкор, камбағал, йўқсил» деган маънодадир. Қадимда камбағаллар яшайдиган жойлар шундай деб аталган бўлса керак! «Чақар» масжиди-XX аср бошида Марғилоннинг йирик сармоядорларидан бири Сайид Аҳмадхонхўжанинг куёвлари Сайид Жалолхон тўра томонидан эски нураган масжид ўрнига қурилган. Ҳажми жиҳатидан унча катта эмас, номутаносиб кўринишга эга. Бинонинг фақат айвон

қисми сақланиб қолган. Ўз вақтида бу қисм шарқ томонга қараган уч томони ёпиқ, тўсинли ва устунли айвоннинг бир қисми бўлган. Қишки хона ва хўжалик бинолари бузилиб кетган.

Айвон устунлари нақш берилган саккиз қиррали сталактит муқарнас орқали шифтга тиралган. Устунларнинг асоси ёғочдан иборат бўлган. Шифт тўсинлар ёрдамида тўғри бурчакли хоналарга бўлиниб, уларнинг ҳар бирига яшил ёки қизил заминда ажойиб гулдасталар солинган гулдонлар ишланган.

Бошқаларидан бир мунча юқорирок кўтарилган шифтнинг ўрта оралиғига «Ҳовуз» ясалиб, гирих услубида нақш берилган. Масжид шифтлари кўк, яшил ва пушти тусдаги ёзувлар билан мунаққаш этилган. Айвоннинг баланд жимжима карнизига қизил





гулли себаргалар тасвири туширилган. Тўсинлардан бирида бино қурилган сана ҳижрий 1329 йил (1911 йил) ва хўжандлик меъморлар Тўхтабек ва Мирбобо Хожи исмлари қайд қилинган.

Ш и ф т л а р г а ишлатилган бўёқ ва безак композицияларининг бағоят уйғунлашганлиги Фарғона халқ усталари амалий

санъатининг ажойиб намунасидир.

Ҳозирда ушбу иншоатда «Сайид Жалолхон тўра» расмий масжиди фаолият кўрсатмоқда.

Масжид Охунбобоев МФЙ ҳудудидаги Абдуғофуров номли кўчаси № 37 уйда жойлашган.

«ХОЖА ПОРСО» (ИСАБОЙ ХОЖИ) МАСЖИДИ




Бу масжид меъморий жихатдан Марғилондаги энг кўркам бинолардан саналиб, марғилонлик Исабой Хожи томонидан эски шаҳар қисмида қурилган. Унинг 1869 йилда қурилганлиги ёзуви ҳозирда нураган деворий накшда акс эттирилган эди. Унинг деворлари пишиқ ғиштли

пойдевор устига қурилган қўшсинч услубида бўлиб, синчлар орасига хом ғишт урилган. Қишки намозхона ичида икки устун қўйилган, улар хонани олти мурабба қисмга бўладиган йўғон хариларни кўтариб туради. Саккиз қиррали устунлар шифтида сталактитдан ясалган чиройли муқарнас, остида эса олма шаклидаги таглик бўлиб, унга бўртма равишда баргсимон қисм - мадохил нақшланган. Кўп поғонали шифтнинг тик, қия ва ётиқ юзаларида ёғоч ўймакорлиги ва рангли ёзувнинг хилма-хил турлари қўлланган. Айвондаги устунлар ҳам худди қишки намозхонадаги кабидир. Сталактитдан ясалган чиройли муқарнас, унинг остида эса шар шаклидаги таглик бўлиб, уларга ҳам бўртма баргсимон қисм - мадохил нақшланган. Айвон ҳошияси ва пештоқиға, шунингдек, хариларига ажойиб нақшлар солинган. Айвоннинг меҳроб томонидаги девори ганч билан жимжимадор қилинган. Унинг қия ҳошиясидаги чизмалар безакнинг самаркандча анъаналарини ёдга солади.

Ҳозирда ушбу иншоатда «Хожа Порсо» расмий масжиди фаолият кўрсатмоқда. Масжид Охунбобоев МФЙ ҳудудида «Бахтиёрлик» кўчаси, 100 уйда жойлашган.

«Жой номларининг қисқача изоҳли луғати». З.Дўсимов, Х.Эгамов «Ўқтувчи» нашриёти. Тошкент-1977й



«ШИРМОНПАЗ» МАСЖИДИ



Ширмонпазлар маҳалласида қурилган шу номдаги масжид ҳам шаҳар меъморчилиги нуқтаи назаридан диққатга сазовордир. Кексаларнинг айтишича, ушбу бинони 1906 йилда шу ердаги гуваладан қурилган эски масжид ўрнига мулла Алимбой қурдирган. Ўлчами 13x18,5 метр

хажмда бўлган тўғри тўртбурчак шаклидаги масжид биноси унга икки томондан ёндош қурилган «Г» шаклидаги айвонларни ўз ичига олади. Тўғри тўртбурчак шаклидаги (6,8x13,7 м) қишки намозхона шифтига



икки устун тиралган. Қишки намозхона ва ҳар бир айвоннинг қибла томонида нақшли меҳроб ўйилган. Масжиднинг нақшли шифти беш қисмга бўлинган. Унинг марказий қисми бошқаларидан 40




см баландроқ кўтарилган. Шу жойда, меҳроб устида хонани ёритиш ва шамоллатиш учун ёруғ тушадиган туйнук очилган.

Ушбу бинонинг кўрки унинг кўк ва яшил ранглар билан солинган нақшларидир. Шифтлардаги ислимий

нақшлар хилма-хил ва бежиримлиги билан ажралиб туради. Ҳозирги вақтда масжиднинг бир вақтлар кўми-либ кетган ҳовузи тикланди ва унинг атрофига калта-гина тўсиқ панжара ўрнатилди.

Ҳозирда ушбу иншоатда «Ширмонпаз» расмий масжиди фаолият кўрсатмоқда

Масжид Йўрмадўз МФЙ ҳудудидаги А.А.Сино номли кўча, 72 уйда жойлашган.



«ХОНАҚОҲ» МАСЖИДИ

Шаҳардаги «Хонақоҳ» жомъеъ мадраса-масжидига XV аср бошларида Мавлоно Муҳаммад Довуд, куниялари Гург (маъноси-илмга ташна, шижоатли, кўркмас) томонидан асос солинган. Бу зоти шариф Самарқанддан Марғилон шаҳрига келиб, яшаб қоладилар. Оталарининг хазрати

Абдурахмон Жомий билан дўстлик ришталари бор экан. Мавлоно Муҳаммад Довуд Нақшбандия таълимоти тариқат нисбатни Хожа Ахрор валийдан олган

эканлар. Қабрлари масжид саҳнида бўлиб, қабр тошларига битилган қадимий ёзувлар бор.

Масжид ҳам ўз тарҳи ва безаклари билан диққатга сазовор. 1930 йилларда тадқиқотчи В. Воронина томонидан ўқилган, аммо кейинчалик ўчиб кетган ёзувга қараганда, масжид биноси 1790-1791 йилларда қурилган. Қишки

намозхона деворидаги нақш орасида кўрсатилган иккинчи сана - 1865 йил эса, чамаси, масжиднинг таъмир килинган вақтини кўрсатади. Шу жойнинг ўзида уни таъмирдан чиқарган икки дурадгор уста Исфандиёр ва уста Мирзараҳим номлари ҳам кўрсатилган. Масжид айвонида ҳам, худди қишки намозхонадаги сингари, аммо ўз мутаносиблигига кўра янада бежиримрок бўлган устунлар ўрнатилган. Айвоннинг шифт ва устунлари ёғоч ўймакорлиги санъатининг нодир намуналари қаторига киради.

2010-2012 йилларда Маданият ва спорт Вазирлиги маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бош бошқармаси томонидан масжид мукамал таъмирланди. Бу соҳада юртимизнинг турли





вилоятларидан ташриф буюрган меъморчилик мутахассислари ва шаҳар устазода усталарнинг хизматлари бекиёсдир.

Хозирда ушбу иншоатда «Хонақо» расмий масжиди фаолият кўрсатмоқда. У Ўрдагаги МФЙ ҳудудидаги Б. Марғилоний номли кўча 107 уйда жойлашган.



«ҲАЗРАТИ ДОМИЛА ХОНАҚОҲЛАРИ»

Хонақоҳ мадраса-масжидига Мовароуннахр шаҳар ва қишлоқларидан, Озарбайжон, Шарқий Туркистон, Уфадан келишиб илм олишган. Мадраса ўта машхур бўлганидан талабалар сони кўпайиб, хонақоҳларда жойлар етишмаган. Шу сабабли бўлса керак 1911 йили тез фурсатда янги бино тикланган ва у «Ҳазрати Домила Хонақоҳлари» деб атала бошланган. Марғилонлик шоиру олимлардан Мулло Тошболту Розик, Фозил Вахҳоб қори, Мулло Омонибдин Омоний, Аҳмад қори Чорчинорий, Охунжон қори Водилий, Арабоний Аммоний, Муфаззал Шо, Абдурахмон Хижрат, Абдусамат Охундада, Мамажон Авлиё, Мулло Муҳаммад Мусобекийлар ҳазрати Домиланинг шоғирдлари, Хонақоҳ мадрасасининг битирувчилари бўлганлар. Ҳазрат Домила 1914 йили вафот этаганлар. Ҳазратнинг шоғирдларидан Амоний Арабоний қолдирган китобида шундай мисралар бор:

Бешак эрур бул мадраса нурнинг қони,
Толибман деб файз олмаса йўқдир жони,
Хонақоҳда яхшиларнинг кўпдир сони,
Бул сабобдин Марғинонга бордим дўстлар,
Файзу зохир Хонақоҳда қолдим дўстлар.

Ҳазратимдан кўргай назар қадди ҳамлар,
Жонин бергай ҳазратимга чин толиблар,
Бу бир жондур минг жон бўлса фидо айлар,
Бул сабобдин Марғинонга бордим дўстлар,
Файзу зохир Хонақоҳда қолдим дўстлар⁵.

Ҳозирда ушбу бинода Марғилон «Халқ банки» бўлими жойлашган. Ўрдатаги МФЙ ҳудудидаги Б. Марғилоний номли кўча 172 уйда жойлашган.

5 *Ҳазрати Домила Хонақоҳлари меъморий объект ҳақидаги маълумотлар 2008 йил 3 октябрь кунги “Марғилон Ҳақиқати” газетасидан “Маърифатпарвар олимлар” мақоласидан олинди. Мақола муаллифлари Ў. Эшонбобоев ва Б. Мўминовлар*

«МЎЙИ МУБОРАК» (ОРИФБОЙВАЧЧА) МАСЖИДИ

Марғилон
меъморчилигига хос
Орифбойвачча масжиди
шаҳарнинг шимоли-
шарқий қисмида, Подажўй
маҳалласида жойлашган.
У 1910 йилда маҳаллий
пахтафуруш Орифбой
маблағига қурилган.
Масжиднинг тўғри
тўртбурчак шаклидаги



тарҳи (30,7x9 м.) деярли бир хил катталиқдаги икки бино - қишки намозхона ва унинг ёнидан туташган айвондан иборат. Бинонинг ҳар икки қисми



шимоли-жануб йўналиши бўйлаб чўзилган бўлиб, асосий фасади шарққа қараган. Устунлар тағлиги оҳақтошдан ясалган. Иморат анъанавий, лойсувоқли том билан ёпилган бўлиб, уни устунлар кўтариб турган. Қишки намозхона ва айвоннинг қибла томонида нақш берилган меҳроб

ўйилган. Масжид шифтлари бир маҳаллар қизил, яшил, мовий ва пушти тусдаги ўсимлик тасвирлари билан безалган.

Ҳозирда ушбу иншоатда «Мўйи муборак» расмий масжиди фаолият кўрсатмоқда.

Масжид Дўстлик МФЙ ҳудудидаги «Тўралар» кўчаси 2а - уйда жойлашган.


«НАЙМАН» МАСЖИДИ



Санкт-Петербургдаги Сальтиков-Щедрин номли кутубхонасининг Шарқ кўлэмалари бўлимида сақланаётган, Марғилон уездидаги вақф ерларларига солинган мулк солиғи хужжатларида⁶ Марғилон уездида Найман волости ёки Мингтепа волостини Найман қишлоқ йиғини каби «Найман» сўзи кўп учрайди ёки буюк жаҳон адиби Чингиз Айматовнинг китобидаги манкуртнинг онасининг оти ҳам «Найман Она» шаклида келади. «Найман»-аслида этник гуруҳ номи бўлиб, у қабила сифатида ўзбек, қирғиз, козоқ, қорақалпоқ халқлари составига кирган ва уларнинг

миллат бўлиб ташкил топишида қатнашган. 1 Марғилондаги «Найман масжиди» 1901 йилда (хижрий 1321) маҳалла масжиди ўрнига маҳаллий бойлардан Исоқбой томонидан қурдирилган. Масжид биноси ёпиқ бино, яъни қишки намозхона ва унга туташ айвондан иборат.

Масжид деворлари, пойдевори пишиқ ғиштдан қурилиб, ораси хом ғишт ёки гувала билан тўлдирилган ва кўшсинч услубида тикланган. Лойсувокли том одатда, ичкаридан қўйилган устунлар ёрдамида кўтариб



қурилган. Том устига қамиш тўшама ёпилиб, унинг устидан лойсувоқ қилинган.

1930 йилда Марғилонга келиб ўрганган тадқиқотчи В.Л.Воронина ёзганидек, «...энг яхши турар - жой ва маҳалла масжидлари аҳолининг дид ва эҳтиёжларини ақс эттирган... Улар хашаматли уй-жойларни қурадиган усталар томонидан бино қилинган». Бунга айнан мисол бўладигани «Найман» масжидидир. Туттаги МФЙ худудида жойлашган. «Тинчлик» кўчаси 454- уй.

⁶ Материалы для статистического описания Ферганской области.

Результаты поземельно-податных работ. Выпускъ II. Маргеланский уездъ. Типогр. Ферганск.Областн.Правления. г.Н.Маргеланъ. 1899г


«ТОРОН БОЗОР» МАСЖИДИ



«Торонбозор» масжиди XIX асрнинг охирларида шаҳар бозори ёнида қурилган жомъе масжиди бўлиб, ўзининг Фарғона водийсига хос нақшлари ва катталиги жиҳатидан Ҳонако масжидидан кейинги ўринда туради. Ёнида жойлашган «Дехқон бозори» шаҳар аҳолисининг

эҳтиёжини қондирган. Масжид меъмори номалум.

1936 йили таъмир қилиниб, «Дехқонлар уйи»га яъни ёнида жойлашган Дехқон бозорига келган дехқонларнинг кириб дам оладиган жойига айлантирилган. Масжид таъмир этилганда одатда тўсинлар орасидаги бинони қурувчи усталарнинг исмлари ва қурилган йили



ёзуви устидан нақш қилиб юборилган бўлиши мумкин. Ҳозирда ушбу иншоатда «Фурқон» расмий масжиди фаолият кўрсатмоқда.

Масжид «Чорчинор» МФЙ ҳудудидаги «Бозор» кўчаси 3- уйда жойлашган.

«ЕТТИ ТУТ» МАСЖИДИ

Одатда шаҳарнинг ҳар бир маҳалласида маҳалла масжидлари бўлиб, у ўз ҳовлисига эга бўлган. Уларнинг деворлари бўйлаб ғуслхона, таҳоратхона, мактаб ва бир неча хўжалик хоналари жойлашган. «Етти тут» масжиди қишки номозхонаси

1»Жой номлари таъбири». Носиржон Охунов. «Ўзбекистон» нашриёти. Тошкент.1994й)

собиқ саватлар даврида бузилиб кетган бўлиб, фақатгини айвони сақланиб қолган. Кейинчалик айвоннинг олди қисми тўсилиб ёпиқ ҳолатга келтирилган. Сақланиб қолган нақшлар



масжид ниҳоятда пурвиқор ва ҳалқ амалий санъатининг юксак даражасини билдириб турибди. Масжидда тевараги дарахтлар билан ўралган ҳовуз бўлган. Кесилиб кетган тутлар масжидга ном берган.

Меъмори ва қурилган йили номалум.

Масжид Узунховуз МФЙ ҳудудидаги «Тинчлик» кўчаси 78 уйда жойлашган.

«ЖУМА» МАСЖИДИ



Фарғона водийсининг жомъе масжидлари анъанавий равишда ёпик қишки намозхона ва унга уч томондан туташган серустун айвонлардан иборат. Табиийки, жомъе масжиди шаҳарнинг марказий қисмида қурилади. Тадқиқотчилар, кексаларнинг берган маълумотига таянган ҳолда,

ушбу масжид Худоёрхоннинг иниси Султон Муродбек Марғилон шаҳрига ҳоким қилиб (1870 й.) тайинланганидан аввал қурилганини ҳисобга олиб, 1850-1860 йилларни тахмин қиладилар. «Жума» масжиди 35x21 метр ўлчамдаги хийла йирик иншоот бўлиб, қишки намозхона ва унга уч томондан ёндош солинган серустун айвондан иборат. Иморат кўшқават синч қилиб қурилган. Қишки намозхонанинг ёғоч шифти тўртта устунга ўрнатилган. Шифт харилар орқали тўққиз мурабба қисмга ажратилган. Марказдаги мурабба нисбатан баланд бўлиб, ичига ўймақори ёғоч ҳовузча қилинган. Серустун айвон марказий бинони шимол, шарқ ва жануб томондан ўраб олган. Қибла томондаги деворда биронта ҳам туйнук ёки дераза йўқ. Шимолий айвон «Г» шаклида. Марказий ҳисобланган шарқий айвон бошқа айвонлардан баландроқ. Айвоннинг олдинги устунлари сталактит муқарнасларни кўтариб туради. Шифтлари ислимий накшлар билан зийнатланган. Ушбу жомъе масжид бадий жиҳатдан ҳам қийматли бўлиб, бир томондан анъанавий жомъе масжидларга ўхшаса, иккинчидан, маҳаллий усталарнинг юксак бадий безак санъатини намойиш этади.

Масжид Узунховуз МФЙ ҳудудида А.А.Сино номли кўчада жойлашган.

«ҚОЗИЁН МАСЖИДИ» (МАДРАСА)

Қилич Бурхониддин
уруғларидан, ҳожи
Ғиёсиддинхўжа эшоннинг
фарзанди Саййид
Аҳмадхонхўжанинг укаси
(исмлари ноъмалум)
маблағига қурилган.
Саййид Аҳмадхонхўжа
(Ғиёсхўжаев) ўз даврининг
таниқли, кўзга кўринган
илмли ва олижаноб
маърифатпарварларидан
бири бўлган. Ғоят




ишбилармон ва тадбиркор бўлиб, пахта тозалаш ва ёғ заводлари қурган бойлардан бўлган. Унинг укаси томонидан қурилган мадраса тарихи Муҳаммад Азиз Марғилонийнинг «Тарихи Азизий» асарида шундай келтирилади: «Қозиён хонақоҳларининг қошига тарих 1320 (милодий 1902) хижрийда бир олий қорихона, мактабхона солиб бино этган ва унга вақф тайин қилибдилар»

Шу кунгача «Саид Аҳмадхонхўжа» мадрасаси ва «Қозиён» масжиди «Қўш мадраса» деб ҳам аталиб келган.

«Қозигузар» маҳалласида жойлашганлиги сабабли масжид мадраса хозирги кунгача «Қозиён» номи билан аталади. «Қозигузар» маҳалласи деб аталишига сабаб бу масканда кўп юз йиллар давомида хўжазода ва саидзода бўлган қозилар авлодлари яшаган. Қози лавозимини эгаллайдиган одам олий диний билим юрти- мадрасани тугатиб, Қуръонни ёддан билиши, фиқх илмини пухта эгаллаган, одил, оддий фуқароларга раҳмдил бўлиши талаб этилган. XX асрнинг бошидаги машҳур қозилар Қосимхон қози, Мунаввархон қозилар ушбу маҳаллада яшаб ўтганлар. Шу кунгача сақланиб қолган мадрасанинг бир қисми маҳалла масжиди кабидир. Баланд ташқи айвон, қишки номозхона шифтига маҳорат билан ишланган нақшлар уни атрофидаги бинолардан алоҳида ажратиб, ўтмишда тутган ўрнини эслатиб туради.

Тарҳи тўғри тўртбурчакли масжиднинг томи текис ёпилган, олдига айвон солинган бўлиб, шифтларининг яшил ва қизил рангига уйғунлаштирилиб, геометрик шаклларда моҳирона чизилган нақш ва гуллар наққошнинг нозик



дидидан далолат беради.

Собик Шўролар тузуми даврида «Қозиён» масжидида (мадраса) Марғилон шаҳар транспорт воситаларини хайдовчилари тайёрлаш курси очилган бўлиб, унинг ташаббускори Латифжон ака Эшонов эди. Яъни шундай қилинмаса масжид бутунлай бузилиб кетиши

мумкин эди. Латифжон Эшоновдан маҳалла аҳли шу бугунги кунда ҳам ундан миннатдор бўлиб эслайди. Бунинг боиси 30 йилдан ортиқ ушбу ёдгорликда хайдовчиларни тайёрлаш курси раҳбари бўлиб ишлаган Латифжон Эшонов энг аввало бу табаррук жойни покиза, озода ва саришта сақлашга аҳамият қаратгани учун масжид шу бугунги яхши ҳолатда сақланиб қолган.

Хозирда ушбу бинода «Иқбол» МФЙ идораси жойлашган.

У «Иқбол» МФЙ худудидаги Б.Накшбандий номли кўча 128 уйдадир.

«ХЎЖА ЭГИЗ» КОМПЛЕКСИ

Хўжа Эгиз комплекси зиёратгоҳ ва масжиддан иборат. Хўжа Эгиз зиёратгоҳини ҳам М о в а р о у н н а ҳ р г а арабларнинг дастлабки кириб келиши билан боғлайдилар. Ривоятларга кўра, Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)нинг саҳобаларидан бўлмиш саркарда Сайид



Хожа Иброҳим исмли ислом лашкари билан Марғилонга келган пайт жангларнинг бирида шаҳид бўлган ва шу ерга дафн этилган. Ул зотнинг бўйи баланд новча бўлганлиги учун «Хўжа Эгиз» номини олган экан.



Кўқон хонлиги даврида ҳам «Хўжа Эгиз» зиёратгоҳи бўлиб, Марғилоннинг машҳур мукаддас жойларидан бири сифатида аҳолининг зиёратгоҳига айланган эди. Аммо ушбу мазор ҳам собиқ иттифоқ даврида бузиб юборилган.

Фақатгина 1994 йилга келиб, «Хўжа Эгиз» мазори қайта тикланган. Қизиғи шундаки, мазорни қайта барпо этишда унинг сақланиб қолган пойдеворларини кўрган усталар ғоят таажжубга тушганлар. Чунки, мазорнинг пойдеворлари уч-тўрт қаватдан иборат бўлиб, зиёратгоҳнинг VI-VII аср мукаддам бунёд этилганлигидан далолат берар эди.

Масжид XX асрнинг охирида зиёратгоҳга туташ эски масжид ўрнида бунёд қилинган.

Меъмори номаълум. Бу масжиднинг ҳам айвон қисми сақланиб қолган, қишки номозхона шифтининг нақшлари устидан бўёқлаб ташланган.

Ҳозирда ушбу масжидда «Абдуллох Ибн Маъсуд» расмий масжиди фаолият кўрсатмоқда.

У «Ипак йўли» МФЙ ҳудудидаги «Хўжа Эгиз» кўчаси 117а уйда жойлашган.

«ДУМБА ЖЎШ» МАСЖИДИ



Маҳалла кексаларининг хотираларига қараганда масжид хашар йўли билан Саид Қосимхон қози бошчилигида қурилган. Масжиднинг тўсинлари орасига ёзилган ёзувга қараганда қурилган йили 1912 йил, яъни масжиднинг қурилганига юз йил бўлган. Меъмори номаълум. «Думба-жўш» масжиди жуда яхши сақланган,

қурилганидан буён таъмирланмаган. Собиқ шўролар даврида шаҳар савдо корхоналарининг ош тузи омборига айлантирилган. Шу сабабли тўсинларга шифт қилиниб, мустақилликка эришилган даврда шифт олиниб ташланган.

«Думба жўш» масжиди ўзига яқин қилиб қурилган Саид Аҳмад Хўжа Эшон мадрасаси ва Қозиён масжид мадрасаси шифтларига ишланган нақш ва рангларга жудаям яқин. Қизил ва зангори ранг устувор қилиб берилган. Қишки номозхонаси, хужралари, масжид ховлиси билан бирга, кексаларнинг айтишича, 1950 йилларда йўлни кенгайтириш бахонасида бузиб ташланган. Масжиднинг номланишида иккита тахмин мавжуд. Биринчи тахмин : қурилишга бошчилик қилган Саид Қосимхон қози уйдан қурилишда ишлаётган ишчиларга хар кун ош келар, ошни устида ишчиларга қувватли бўлсин деб қозининг буйруғига асосан қўй ёғи кўп солинар экан. Иккинчи тахмин : маҳалланинг эски унутилган номи «Думба жўш», яни «думба –қайнар» деган маънони беради.

Алишер Навоий номли МФЙ ҳудудида, Пўлатов номли кўча 2 уйда жойлашган.



«ТОВОҚЧИ БОЙ» МАСЖИДИ

Масжиднинг шифтидаги тўсинга ёзилган ёзувда бино ҳижрий 1329 (милодий 1907) йилда, Мирбобо хожи пул маблағи ҳисобига номаълум меъмор томонидан қурилган. Мирбобо хожи Хитой ва Арабистонларга бориб, савдогарлик қилган. Ҳалқ орасида «Товоқчибой» номи билан машҳур бўлган. Масжид шу сабабли «Товоқчибой» деб аталади. Ушбу маълумотларни Товоқчибойни чевараси, «Маориф» МФЙ раиси Толипов Маҳмуд акадан ёзиб олинди.

Товоқчибойнинг фарзанди Маҳмуд аканинг бобоси Муҳаммаджон Бобоев 1974 йилда вафот этган.

1909 йилда қурилган «Чилигузар» масжидида ишлатилган бўртма нақшларга жуда ўхшаш, лекин Марғилондаги маданий мерос объектларида ислимий нақшлар кўп ишлатилган бўлса бу масжидда мохирона тарзда ховуз услубида шифтдаги ислимий нақшлар билан биргаликда тувакда гул тасвири берилган. Масжиднинг айвон қисми (12,5x8 метр) сақланиб қолган. Қишки номозхона бузилиб, янги бино қилинган. У шаҳардаги энг нодир обидалардан биридир.

Шолдирама МФЙ ҳудудидаги Абдуғофуров номли кўча 196 уйда жойлашган.

«ЖАҲР МАСЖИДИ»



XX аср бошларида қурилган «Жаҳр» масжидининг қизиқарли жиҳати уни тариқатчи-суфийлар хонақоси сифатида қурилганлигидир. Мустақиллик йилларида масжид ғарбий деворини таъмирлаш ишлари олиб борилаётганда имом ўтирадиган меҳробнинг

девори тагидан иккита хум топилган. Бу хумлар имомнинг овозини яхши эшиттириш (акустикаси ва резонанси) учун қўйилган бўлиб, имомни номоздаги ва дуоларини ташқаридагиларга бемолол баланд оҳангда эшитириш имкониятини берган. Исломда номозни овоз чиқариб ўқиш «жаҳр» дейилади.

Масжидни қурган усталарнинг маҳорати туфайли масжид ўзигаўзи ном олишига сабаб бўлган. Масжиднинг қишки номозхонаси ва айвони сақланиб қолган. Собик Шўролар тузуми даврида масжид Кўзи ожизлар жамиятига берилган бўлиб, бу ерда кўзи ожизлар шолча тўқиганлар.



Қишки номозхона ўша вақтда ремонт қилиниб бўёкланиб ташланган. Фақатгина айвони сақланиб қолган бўлиб, ўзининг рангбаранг ранглари ва нақшлари билан ўз вақтида жуда маҳобатли бўлганлигидан далолат беради. Қурган меъмори номаълум.

Алишер Навоий МФЙ худудида Б.Нақшбандий номли кўча 198 «а» уйда жойлашган.

«ЧИЛЛИ ГУЗАР» МАСЖИДИ



Ушбу масжид XX аср бошида (хижрий 1330, мелодий 1909 йил) жума ўқиладиган жомъе масжиди сифатида қурилган. Қишки номозхона ва айвони яхши сақланган. Қурилган вақтда шифтларга солинган нақшли гуллар фақатгина айвон қисмида сақланиб қолган. Айвондаги тўсинлар орасига ўша вақтда ёзилган ёзувларда бинони қурган


устанинг исми Қўчқорлиги (амали усто Қўчқор) ва наққоши Хўжандлик Нўъмон хожа (Амали бех Нуъмон хожа наққош хўжандлик) эканлигини маълум.

Маҳалла бир неча кўчани бирлаштирувчи маъмурий-ижтимоий бирликдир. Кўчалар

кесишган ёки туташган жойларда маҳалла маркази гузар жойлашган. «Гузар» сўзининг луғавий маъноси «ўтиш жойи», «чорраҳа» тарзидадир. Ҳар бир гузарда аҳоли учун энг зарур бўлган маданий-маиший ҳамда савдо муассасалари масжид, мактаб, бозорча, новвойхона, қассоблик, баққоллик дўконлари,




сартарошхона, айрим йирик гузарларда чойхона, меҳмонхона, китобхона, ҳаммом, мадраса, баъзан карвонсаройлар бўлган. Маҳалла оқсоқоли маҳкамаси ҳам гузардан жой олган. Маҳалла аҳолиси кўп ҳолларда шаҳар марказига ва бозорга тушишига эҳтиёжи бўлмаган. Кундалик харид,



майда юмушлар, маъмурият билан боғлиқ ишларнинг деярли барчаси маҳалланинг ўзида ҳал бўлган. Ўтмишда маҳаллалар ҳозирги маҳаллалар (фуқаролар йиғини) дан майдони жиҳатидан чоғроқ бўлган⁷: «Чилли»- тожикча «чил» қирқ деган маънони берса, «ли» қўшимчаси «та» билан қирқта, ёки қирқинчи сўзни билдиради. Бундан чиқди «Чилли гузар» қирқинчи гузар ёки қирқта гузардан бири маънода келади.



«Чилигузар масжиди» айвонига солинган бўртма нақшлар бетакроп бўлиб, у ҳалқ амалий санъатининг ёрқин намунасидир. Қишки номозхона собиқ тузим вақтида озиқ-овқат дўконига айлантирилган ва шифтнинг тўсинларига пол тахта тарзида қоқилиб, бир хил рангда бўёқланган.



«Чиллигузар масжиди» «Маъориф» МФЙ ҳудудидаги Улуғбек (собиқ Шаумян) номли 1 уйда жойлашган.



7 Дадабоев М. Хўқанди латиф маҳаллалари ва кўчаларининг номланиш тарихи. – Ф.; 2007 й. 3-б.

«ЖАЛОЙИР» МАСЖИДИ

XX асрнинг бошларида Марғилон шаҳрида 54 та масжид мавжуд бўлган⁸. Мазкур масжидлар ҳам ўша даврдаги Фарғона меъморчилик мактабининг ўзига хос анъанавий услублари асосида бунёд этилган. Бунга XIX аср охирида қурилган «Жалойир» (ёки Жалоир) масжиди мисол бўлади. «Жалойир»- турк-мўғул қабилаларининг аралашishi натижасида ташкил топган йирик қабилалардан биридир. Рашиддин «Жомеат-таворих» асарида жалойирлар XII асрда Онон ва Керулен дарёлари бўйида яшаганлигини ёзади. Улар 10 бўлакка (қабиллага) бўлинган: ҳар бир қабиланинг ўз саркардаси бўлган. Жалойирларнинг катта бир қисми Киданлар билан бўлган урушда енгилгач, Чингизхон



аждодларига тобе бўлиб, уларга хизмат қилдилар. Чингизхон ҳукумронлиги даврида жалойирлардан бир қанча эътиборли беклар ва лашкарбошилар етишиб чиқади. XII асрнинг охири ва XIII асрнинг бошларида жалойирларнинг кўплари Еттисувга ва Ўрта Осиёнинг айрим вилоятларига

кўчиб келиб ўрнашадилар. (ЎзЭ, 4-том, 294 бет). Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудларида истиқомат қилган жалойирлар кейинчалик ўзбек, козок, қорақалпоқ, қирғиз миллатлари таркибига кирган. 1920- 1926 йиллардаги аҳоли рўйхатида Ўзбекистонда яшовчи жалойирларнинг сони 25 минг кишига яқин эканлиги аниқланган. Улар Тошкент, Бухоро воҳасида, Нурота тоғи этакларида, Жиззах, Каттақўрғон, Қорақўл ва Хоразмда яшаганлар (юқоридаги

8 Бушков В. И. Сельские мечети Среднеазиатского междуречья // Среднеазиатский этнографический сборник. М.; 2001г. С.119.

асар, ўша бет). Жалойирларнинг тарқалган жойларнинг айримлари уларнинг номлари билан аталиб кетган. Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон, Норпой, Тошкент вилоятининг Қибрай, Сурхандарё вилоятининг Қумқўрғон, Намангон вилоятининг Норин, Фарғона вилоятининг Бувайда, Боғдод, Учкўприк, Фуркат, Риштон, Кува, Жиззах вилоятининг Зомин туманларидаги Жалойир деб ном олган кишлоқлар шулар жумласидандир. Маҳалла Марғилоннинг эски қисмида жойлашганлигини ҳисобга олсак, масжиднинг номи бежиз «Жалойир» деб аталишини тушунсак бўлади.

Собиқ мустабид тузим даврида масжид хўжалик моллари ва газламалар сотадиган савдо дўконларига, ёнидаги хужралар «Жалойир» маҳалласи кексалари дам оладиган масканга айлантирилган. Масжид ҳовузи сув билан тўла бўлар, маҳалла болалари чўмиладиган жой бўлиб, Мустақилликнинг бошланиш даврида яна дўконлар ўрнида масжид тикланди. Ҳовуз кўмиб ташланган. Мустақилликнинг кейинги йилларида яна масжид тамирланиб, шаҳарнинг кўркам биносига айланган.

Хозирда ушбу иншоатда «Робия хожи она « расмий масжиди фаолият кўрсатмоқда.

Б. Марғилоний МФЙ ҳудудидаги Б.Марғилоний номли кўча 278 уй жойлашган.

«ҲАЗРАТИ МУЛЛА» МАСЖИДИ



«Ҳазратимулла» масжиди меъморий томонидан ўзига хос маҳалла масжидлари услубида бўлиб 1860 йилда маҳалла бойларидан бири Қосимбой маблағлари ҳисобидан бунёд этилган. Айвон қисми сақланиб қолган. Қишки номозхонада чамаси 20 йиллар муқаддам

ёнгин чиққан бўлиб, маҳалла томонидан қайтадан таъмирланган. Ёзувлар қишки номозхона шифтида бўлган, ёнгиндан кейин таъмирлаш вақтида ўчиб кетган.

Масжиднинг ёшини аниқлашда маҳалла жонкуяри Хожиматов Захриддин акадан маълумотлар олинди. Захриддин аканинг айтишича, бобоси Мирмухсин хожи 1890 йилда туғилган бўлиб, Қосимбой ҳақида ва масжид қурилган вақтини сўраб олган эканлар. Боболаридан олган маълумотни маҳалланинг ёши улуғ кексалари 1912 йилда туғилган Қодиржон ота ва Мухаммаджон Абдулазизовлар ҳам тасдиқлашган экан. Рус топографи Лебедевнинг 1875 йилги



иншоатлар рўйхатида «Ҳожа мулла» масжиди борлиги келтирилган. 1875 йилда шу номдаги масжиднинг борлиги иншоатнинг тарихий ва маданий тарафдан бизга мерослигини қайд қилишга асос бўла олади.

Ҳожа «бошлик», «улуғ зот» маъносида келади. Ҳазрат «улуғ», «хурматга сазовор» маънодадир.

Масжид 1941 йилда комхозга, кейинчалик 1956 йилда кўзи ожизлар жамиятига берилган, то 1989 йилгача у ерда кўзи ожизларни арқон эшиш, шолча тўқиш цехлари фаолият кўрсатган.

2006 йилдан Марғилон шаҳар ҳокимининг қарори билан маҳалла оромгоҳига айлантирилган. У А.Навоий МФЙ ҳудудидаги «Ипак йўли» номли кўча 70а уйда жойлашган.

«САФИЛТЎДА» КОМПЛЕКСИ



Хозирда у зиёратгоҳ ва масжиддан иборат. Рус топографи Лебедевнинг 1875 йилда Марғилондаги иншоатларнинг рўйхатини тузганида ҳам Сафилтўда масжиди ва қабри келтирилган.

Санкт-Петербургдаги С а л ь т и к о в - Щ е д р и н

кутубхонанинг Шарқ қўлёзмалари бўлимида бир қанча ҳужжатлар сақланган бўлиб, улардан бири Марғилон уездидаги вақф ерларларига солинган мулк солиғи ҳужжатларининг уч жойида: Аувоол волостини Мўян қишлоқ йиғинидаги Мўян қишлоғида ва Чимён волостининг Каптархона қишлоқ йиғини, Ёйилма қишлоғида ва Ёзёвон волости Арабмозор қишлоғида «Сафилтўда» масжид ва корихонасининг 64 десятина вақф ерлари борлиги таъкидланади⁹.

Зиёратгоҳ ҳақида бу ҳужжатда сўз кетмайди. Лекин 1938 йили А. К. Писарчик «Сафилтўда» мазори ҳақида уста Хўжали Солиевдан айрим маълумотларни ёзиб олган эди. Устанинг сўзларига кўра, Сафилтўда аслида, дастлаб «Сонтўда» деб аталган. Бунинг сабаби аввалги вақтларда мазор ўрнида шаҳар девори ўтган бўлиб, айнан шу ерларда Маъдалихон ва Маллахон даврида марғилонликлар билан кипчоклар ўртасида жанглар бўлиб ўтган. Мазкур жанглар давомида ҳар икки томондан ҳам жуда кўп жангчилар ҳалок бўлганлар. Шунинг учун бу ер кўп сонли жангчилар тўдаси ҳалок бўлганлиги учун «Сонтўда» деб аталган экан.

Кейинчалик тинчлик қарор топгач, жангчиларнинг жасадини шу ернинг ўзига дафн этган эканлар. «Сафилтўда» мазори эса ўша урушларда жасорат кўрсатган машҳур лашкарбошилардан бирининг қабри бўлиб, аҳоли томонидан зиёратгоҳга айлантирилган.

Аммо бу бир таҳмин бўлиб, архив ҳужжатларида келтирилган маълумотларга кўра, «Сафилтўда» мазорига Ҳазрат Мир Саййид Аҳмад ибн Алоуддий

9 *Материалы для статистического описания Ферганской области. Результаты поземельно-податных работ. Выпускъ II. Маргеланский уездъ. Типогр. Ферганск. Областн. Правления. г. Н.Маргеланъ. 1899г*

Биллурий исмли зот дафн этилган. Мир Саййид Аҳмад ибн Алоуддии Биллурий ҳам тобеъинлардан бўлиб, Марғилонга Хўжа Шох Мансур ва Абдулла ибн Маъоз Жабал билан бир вақтда келган. У жангларнинг бирида шахид бўлиб, Сафилтўдага дафн этилган.

Ул зотнинг қабри қурилиш услуби жихатидан Сафед Булон зиёратгоҳидаги Носир ибн Аҳмад, Абдуллоҳ ибн Муслим сингари табеъинларнинг қабрига ўхшаб кетади.

Мазкур қабрларга яна бир ўхшашлик жихати борки, бу қабр устига қўйилган тошлардир. Гарчанд тошлар қабр қайроқтошлари бўлмасада, бироқ мазкур тошлар ҳам бошқа зиёратгоҳлардаги сингари «бахт тоши», «кушойиш тош», «бола тош» каби тошлар вазифасини бажарган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Мозорга туташ қилиб хижрий 1320, милодий 1900 йилда масжид қурилган. Қишки номозхона ва айвони яхши сақланган. Қурилганидан буён комплекс реставрация қилинмаган. Шифтларга солинган баъзи нақшлар «Сирли масжид»даги нақшларга ўхшаш. Шифтлардаги тўсинлар орасига масжиднинг қурилган йили ёзилган. Лекин қурувчи ва наққошнинг исми ёзилмаган. Кимнинг пул маблағлари эвазига қурилганлиги ҳам номаълум.

Гўриаввал МФЙ ҳудудидаги, Тинчлик номли кўча 282 уй жойлашган.

«ЧОРЧИНОР» МАСЖИДИ

«Чорчинор» маҳалласи «Машад» даҳасидаги қадимги маҳаллалардан биридир. Китобнинг кириш қисмида келтирилган маълумотга қараганда Чорчинор маҳалласида 113 та хонадон, 5 та масжид борлиги келтирилган.

Бу масжиднинг рус топографи Лебедевнинг шаҳардаги объектларнинг 1875 йилги рўйхатида борлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Дарахт номини ифодаловчи «чинор» сўзи билан аталган маҳаллалар кўп бўлган. Чинортаги, Мингчинор, Қўшчинор ва бошқалар қатори маҳалла «Чорчинор», яъни «Тўрт чинор» деб аталган. Маҳалла гузаридаги масжид ҳовлисида салобатли тўртта чинор қад кўтарган. Чорчинор масжиди XIX асрда қурилган. Меъмори номалум. Қишки номозхона ва айвони яхши сақланган. Ҳозирда маҳалла оромгоҳи сифатида фойдаланилмоқда.

«Чорчинор» МФЙ ҳудудидаги Имом Заҳриддин номли кўча 110 уй жойлашган.



«ГАЛА ХУМДОН» (ХУДОЁР ҲОЖИ) МАСЖИДИ

«Гала хумдон» масжиди шу номдаги маҳалла ҳудудида жойлашган. Қачон қурилганлиги номалум. Лекин рус топографи Лебедевнинг рўйхатида Гала хумдон масжиди қайд қилинган. 1875 йилда шу номдаги масжиднинг борлиги объектнинг тарихий ва маданий тарафдан бизга мерослигини тасдиқлайди.

Қишки номозхонаси ва айвони яхши сақланган. Собиқ Шўролар тузими даврида 1988 йилгача умумтураржой бўлган. Шу вақтда шифтларидаги нақшлар устидан ранг бериб, нақшлар ўчириб ташланган.

Мустақилликнинг биринчи даврида яна масжид ҳолатда қайта тикланган. Шу даврда масжид маҳалла фаоллари томонидан таъмирланган. Деворга таъмирлаш вақтида ёзилган ёзувга қараганда 1900 йилда масжид биноси қурилган. Меъмори номаълум. Кексаларнинг хотирлашларича, масжид шу маҳаллалик Худоёр хожи пул маблағларига қурилган.

Ҳозирда ушбу бинода Ўзбекистон Республикаси Муслмонлари диний идорасининг «Худоёр хожи» расмий масжиди фаолият кўрсатмоқда.

«Янги боғ» МФЙ ҳудудидаги Эшонгузар кўча 34 уйда жойлашган.

«ГАЛАТОЙ» МАСЖИДИ



«Галатой» маҳалласи «Тошмозор» даҳасидаги қадимги маҳаллалардан биридир. Китобнинг кириш қисмида келтирилган маълумотга қараганда XIX асрнинг ўрталарида «Галатой» маҳалласида 95 та хонадон, 5 та масжид, 2 та мактаб борлиги

келтирилган.

«Галатой» масжиди меъморчилик томонидан маҳалла масжиди услубида қурилган. Маданий мерослар хатлови ўтказиш учун ёдгорликка бориб суруштурув олиб борилганда маҳалла кексалари масжиднинг бундан 200 йил олдин қурилган, деб эслашди. Мустақиллик йилларининг бошланиш даврида маҳалла фаоллари томонидан ҳашар йўли билан таъмирланган. Айвони ва қишки номозхонаси яхши сақланган.



«Галатой» масжиди меъморчилик томонидан маҳалла масжиди услубида қурилган. Маданий мерослар хатлови ўтказиш учун ёдгорликка бориб суруштурув олиб борилганда маҳалла кексалари масжиднинг бундан 200 йил олдин қурилган, деб эслашди. Мустақиллик йилларининг бошланиш даврида маҳалла фаоллари томонидан ҳашар йўли билан таъмирланган. Айвони ва қишки номозхонаси яхши сақланган.



Хозирда ушбу бинода Ўзбекистон Республикаси Мусулмонлари диний идораси «Галатой» расмий масжиди фаолият кўрсатмоқда.

«Галатой» МФЙ ҳудудидаги «Галатой» номли кўча 118 та уй жойлашган.

Марғилон эамити жағвоқипитри

«ҚАЛАНДАРХОНА» МАСЖИДИ

XIX асрнинг ўрталаридан Россия Қўқон хонлигини босиб олиб Фарғона водийсида ҳарбий губернаторлик бошқарувини жорий этди. Марғилондаги ижтимоий сиёсий ахборотларни, ҳарбий губернаторликнинг ёзишмаларини ҳозирда Тошкентдаги марказий архивдан олиш мумкин бўлди. 1877 йил 14 июндаги Марғилон шаҳар уезди бошлиғининг Фарғона ҳарбий губернаторига орқали юборган 1616 сонли ҳисоботида Марғилон шаҳри аҳоли яшайдиган 4 даҳага бўлинишини айтиб ўтади. Биринчи даҳа «Машад» (1375 хонадон), иккинчи даҳа «Сафилтўда» (1107 хонадон), учунчи даҳа «Қаландархона» (1520 хонадон), тўртинчи даҳа «Тош Мозор» (1237 хонадон), ҳаммаси бўлиб Марғилонда 5239 хонадон ҳисобга олинган.

Марғилон бозори жуда катта бўлиб, бозор ва унинг атрофида 2246 турли туман маҳсулотлар билан савдо қилувчи дўконлар мавжуд бўлган¹⁰.

Юқорида келтирилган маълумотларда «Қаландархона» шаҳардаги тўртга бўлинган даҳанинг бири сифатида зикр этилмоқда ва масжид жойлашган маҳалланинг қадимги номи ҳам «Қаландархона» бўлиб, ҳозиргача шу ном билан аталади. Масжиднинг фақатгина айвон қисми сақланиб қолган. Унда табиатдаги ҳамма ранглардан фойдаланилган, шифтга ишланган олтига ажратилган ҳовузли ечим ва тўсинларга патнис нусха нақш солинган. Паст шифт ва ихчам айвон маҳалла масжид меъморичилиги услубида қурилганлигидан далолат беради. Қишки номозхона собиқ тузум вақтида ўзгартирилиб, ҳозирда «Гасвирий ойна» ташкилотига ўхшаш, ўша вақтдаги кўчаларга илинадиган шиорлар чизадиган рассомлар устахонаси бўлган. Мустақилликнинг илк даврида яна масжид ҳолатида қайта тикланган.

Ёзги айвондаги тўсинга туширилган санага эътибор берсак, масжид қурилган йили хижрий 1316 (1895) йилдир. Меъмори номаълум.

Ҳозирда ушбу масжидда Ўзбекистон Республикаси Муслмонлари диний идораси «Зиё» расмий масжиди фаолият кўрсатмоқда.

«Иқбол» МФЙ ҳудудидаги Ёшлар номли кўча 22 уйда жойлашган.

«ЭРВОХИД БУВА» МАСЖИДИ

Ҳазрат Пур Сиддиқ зиёратгоҳи атрофида масжид, минора, макбарали ҳовли, дарвозахона ҳамда каптархонадан иборат бўлиб, меъморчилик комплекси пайдо бўлган. Шу сабабли у ҳалқ ўртасида «Каптархона», «Каптарли мазор» деб ҳам аталади. «Каптарлик мазор» масжиди Пур Сиддиқ мажмуасига кирувчи XVIII асрда қурилган, деб ҳисобланса, масжид рўпарасидаги яна масжид «Эрвоҳид бува» масжиди жойлашган бўлиб, ҳозирда у Марғилон механика заводи ҳудудига қиради.

2009 йилда Марғилонга меъморчилик ёдгорликларини тадқиқ қилиш учун келган ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси маданият ишлари бўйича мутахассиси М.Маҳмудова «Эрвоҳид бува» масжиди ҳақида «мен Марғилонда кўрган ёдгорликлар ичида меъморчилик ва шифтларга чизилган нақшлар ичида энг яхшиси «Эрвоҳид бува» масжиди экан» деб таъриф бериб кетган эди. Ушбу масжиднинг айвон ва қишки номозхонаси яхши сақланган, лекин, афсуски қурилган йили ва меъморининг номини аниқлашни иложи бўлмади. Ушбу масжиднинг тарихини аниқлаш учун албатта алоҳида тадқиқотлар ўтказиш керак бўлади.

«Йўрмадўз» МФЙ ҳудудидаги, «Тўралар» номли кўча, 85 уйда жойлашган.

«СИРЛИ» МАСЖИД



У Марғилон шаҳридаги эътиборга молик ёдгорликлардан бири. Аҳамиятли тарафи масжиднинг маданий мерос объекти сифатида шаҳримизга келаётган барча четэллик меҳмонлар ташриф буюрадиган «Ёдгорлик» корхонаси ҳудудида жойлашганлигидир.

Яна бир эътиборли жиҳати унинг номланишида бўлиб, Фарғона водийсида шундай номдаги масжидлар учраб туради. «Сирли»- «сирланган», «халланган» демакдир. Ҳозирда сақланиб қолган ёзги номозхонаси шифтларида нақш бор. Балки бузилиб кетган қишки номозхона деворларига нақшлар солингани учун шу ном билан аталган бўлса керак.

Сирчи – «деворларга нақш соладиган уста» демакдир. XIX асрда яшаб ўтган кўконлик Муҳаммад Камол сирчи водийдаги кўплаб иморатларга нақш солган, шу жумладан, Худоёрхон ўрдасида наққошлик ишларига раҳбарлик қилган.

Масжидни қурган меъмори номаълум. Шифтларга солинган нақшларнинг баъзи орнаментлари ва ранглари 1900 йилда қурилган «Сафилтўда» масжидидаги нақш орнаментлари ва рангларига яқин.

Сақланиб қолган масжиднинг айвони сатхи (10х 7м) ёнидаги хонанинг (қорихона) сатхи (10х 7м) ҳажми билан тенг.

«Ёрқин» МФЙ ҳудудидаги И.Заҳриддин номли кўчада жойлашган.

«ВАЛИХОН ТЎРА» УЙИ



Сайид Абдуллахоннинг чевараси Валихон тўра (1811й-1880й) яшаётган уй. Валихон тўра Қоқон хонлари Шералихон, Маллахон, Худоёрхонларнинг пири бўлган ва Чор Россияси Қўқон хонлигини босиб олиш учун Фарғона водийсига бостириб келган вақтда Валихон

тўра миллий озодлик ҳаракатига бошчилик қилган. Гарчанд Валихон тўра бошчилик қилган миллий озодлик ҳаракати кучлар тенг бўлмаганлиги, аҳолининг ҳарбий соҳадаги лаёқатсизлиги ва тажрибасизлиги туфайли мағлубятга учраган бўлса-да, бироқ



уни она- Ватанга бўлган муҳаббати босқинчиларга узоқ вақтгача таҳдид солиб турган. Валихон тўра Марғилон шаҳрининг диний раҳнамоси бўлгани боис унинг қўл остида катта миқдорда ер-сувлар мавжуд бўлган. Юртда юз берган нотинчликлар пайтида Валихон тўранинг хонадонидан юзлаб бева-



бечоралар паноҳ топиб, жон сақлаганлар. Валихон тўра XIX асрнинг 80-йилларида вафот этган.

Хозиргача сақланиб турган уйлар бир-бирига қарама-қарши қилиб қурилган уйлар шифтларига солинган нақшлар ва баланд солинган том Валихон тўранинг ўз вақтида жамиятда тутган ўрнини билдиради. Деворларга ишланган ганчлар бинога янада улуғвор тус беради. Иккинчи кичикрок уйнинг токчаларига ганч нақшлар ҳам ўзбек Халқ амалий санъатини нақадар буюклигини билдиради.

«Чорағон» МФЙ
худудидаги, Ж.Султонов
номли кўча, 57 уйда
жойлашган.



ХУЛОСА ЎРНИДА

Ўтмиши кўмилган миллат ҳақидаги гапларини айниқса бугун яқин ва узоқ тарихимиз хусусида тасаввурга эга бир даврда эслаш жуда ўринлидир. Мозийдан беҳабарлик кечаги авлодни бир мунча синдириб, маънавий қашшоқ ва кучсиз, юртига, миллатига, истиқболига бефарқ қилиб қўйганди. Хайриятки, бу кунга келиб ўзининг мустақиллигига эришган элимиз ёшу кекса бирдай сиёсатга, иқтисодга, маданиятга ҳавасманд, миллий урф-одатлар, тарих ва кадрятлари ҳақида ўйлай бошлади.

Мустақиллик туфайли жаҳон жамоатчилиги дунёда Марғилон деган шаҳар борлигини билишди. Илгари бизнинг ўлкамизда фақат Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари тўғрисида тасаввурлар бўлган. Ўзимизнинг халқимиз эса, Марғилондан бутун ислом дунёсига маълум ва машҳур бўлган Бурҳониддин Марғилонийдек буюк аллома чиққанлигини билишди. Унинг фикҳ-ислом ҳуқуқшунослиги борасида бениҳоя чуқур илмга эга бўлганлиги ва бу соҳада беқиёс дурдоналар яратганлиги туфайли Бурҳон уд-дин ва-л-милла ва Бурҳониддин ал-Марғиноний деб улуғланганлиги билан машҳурдир. Бурҳониддин ал-Марғиноний номига «милла» сўзини қўшиб ёзилишининг сабаби, милла деганда халқ, мусулмонлар тушунилган. Бу ерда олимни улуғлаб, уни ислом оламидаги халқлар ҳамда ислом динининг далили, исботи назарда тутилиб унинг исмига милла сўзини қўшиб айтишган.

Президентимиз Ислом Каримов Марғилон шахрининг 2000 йиллиги тантаналарида сўзлаган нутқларида «Марғилон деганда, бетакрор табиати, боғ-роғлари, камалакдек сержило атласлари ўзлимиз рамзига айланиб кетган ранг-баранг дўппилари билан етти иқлимга машҳур бўлган гўзал бир макон кўз ўнгимизда намоён бўлади» деганларида мутлақо ҳақ гапни айтган эдилар.

Марғилоннинг қадимги, ўрта асрлар ва хонликлар даври тарихи ватанимизнинг бошқа маълум шаҳарларига нисбатан кам

ўрганилганлигича қолди. Фақат мустақиллик туфайли мамлакатимиз шаҳарлари тарихини ўрганишга қизиқиш ортди. Шунинг учун Марғилон шаҳрини ёшини аниқлаш мақсадида Ўз ФА Археология институтининг экспедицияси уюштирилди. Экспедициянинг бир неча йиллар давомида олиб борган изланишлари туфайлигина бу шаҳарга бундан 2000 йил аввал тамал тоши қўйилганлиги аниқланди.

Аммо Марғилон шаҳрининг бундан 2000 йил илгари қандай бўлганлигини биз билмаймиз. Масалан шаҳарни арки қандай шаклда ва қаерда бўлган эди. Унинг ибодатхонасининг умумий кўриниши қандай эди, маҳаллалари, аҳолининг турмушини, маданияти қандайлигини биз билмаймиз. Чунки турли сабабларга кўра ва асосан аҳолининг жуда зич яшаганлиги Марғилон воҳасидаги аҳолидан қолган обидалар йўқ бўлиб кетган.

Худди шундай ҳолатни Марғилоннинг илк ва ривожланган ўрта аср қатламлари тўғрисида ҳам айтиш мумкин. Фарғона водийси бўйича ёзма манбалар милоддан илгариги 138-90 йилларга тегишли Хитой элчиларининг хабарлари сақланиб қолган. Аммо Марғилон тўғрисида фақат араб сайёҳлари XI аср маълумотларида ва шу даврга оид тангаларда «Маргинан» сўзи «Фарғона» сўзига қўшиб ёзилган.

XX аср бошиларида яшаб ўтган тарихчи Исҳоқхон тўра Ибратнинг «Тарихи Фарғона» асарида Марғилон шаҳрини тарихи шундай келтирилади. «Ҳазрат Искандар (Александр Македонский- такид муалифники) Фарғонага босиб келганида ерлик халқ подшоҳга арзи аҳвол қилмоқчи бўлиб, пешкаш учун нон-туз ўрнига бисотларидаги товукларини пишириб нон билан ҳазрат Искандарга тутган эканлар. Шунда ҳазрат Искандар : «Бу нима?» деганида арз қилиб борганлар: «Мурғу нон». Яъни товук билан нон деганлар. Подшоҳ Искандар: «Арзларингиз нимадур?» деганда, «Арзимиз: биз турган жойимизни шаҳар қилиб берсангиз» деганларида умаролари ичидан бир фаросатли соҳиби ақл кишини таъйин қилиб, шаҳар қилмоққа амр қилган эканлар. Ул кишини оти Фарғона баҳодир экан. Ул киши неча йиллар ҳаракат қилиб, ҳар шаҳардан, ҳар хонадондан одам

олиб келиб, янги шаҳарни отини Ҳар хона деб қўйибди. Одамлар кейинчалик Ҳар хонани Парғона деб ўқуб ёки шаҳарни бунёд этган ҳам ул муассис кишини исмини қўймоқ бўлиб, Фарғона шухрат топган, аммоки алҳолда Марғинон дерлар. Ўшал товук илан нон тутган ердур Марғинон шаҳри исми бўлиб, Фарғона умумий иқлимига исмдур. Чунончи, мунга далил Марғинонда подшоҳ Искандар деган ийдгоҳ мазор бордур».

Лекин топоним юзма манбаларда Марғилон, Марғинот шаклида учрайди. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, Марғилон форс тилидаги Марғ «ўтлоқ» сўзи билан алоқадордир. Ж. Латиповнинг Марғилон тапонимининг келиб чиқиши ҳақидаги фикрига қараганда у Марғи этноними билан алоқадор. (Дж. Латипов. Топонимия города Маргилана и его окрестностей. АКД. Тошкент. 1975. 10). Ҳақиқатдан ҳам топонимнинг қадимги вариантларидаги он ва от қўшимчалари кўплик белгилари бўлиб, кишилар гуруппасини англатади. Шундай экан, топоним марғлар деган маънодадир. Марғи этнонимининг этимологияси «ўтлоқ, ўрмонча, яшил ер» каби маъноларни билдирувчи Марғ сўзи билан боғлиқдир. Марғи «ўтлоқда яшовчи, ўрмонда яшовчи ёки чорвадор» деган маънодадир. Этнонимдаги –и қўшимчаси бошқа номларда ҳам учрайди. Масалан, Фарчи «тоғлик», Саҳройи «чўлдаги киши» каби. Шу ўринда Фарғона сўзига ҳам изох бериб кетсак. Фарғона сўзи ҳозирда ҳам вилоят ва водийни ифодалайди. Топонимнинг этимологияси ҳақида жуда кўп фикрлар, масалан, «Пари хона», яъни гўзаллар юрти, ботқоқ, зах ер, тоғ этаги каби фикрлар бор. М.С. Андреевнинг фикрича Паркана- «бир томони очик, атрофи тоғ билан ўралган водий» (Новий данние по установлению значения слова «Фергана». Сообщение тадж. Филиал АНССР, вип. 24. 1948. 35). Э.М. Мурзаев ҳам шу фикрни тасдиқлайди. (Средняя Азия, 296). Яна юртимизда исломдан олдин будавийлик дини бўлганлигини ҳисобга олиб олимлар Фарғона сўзи Паркани

сўзи санскрит тилида «вилоят, кичик улус» деган маъно билдиради деган фикрни олдинга сурганлар. Ҳозирги Фарғона шаҳри 1876 йилда асос солинган ва Янги Марғилон деб аталган. 1907 — 1924 йилларда Скобелев, маҳаллий талаффузда — Искобил деб аталган. Подшо Россиясининг Ўрта Осиёни босиб олишда ва кейинги йилларда кўплаб қирғинбаротлар уюштирган генерали М.Д. Скобелев номига кўйилган.¹¹

XII асрда Марғилон шаҳри дунёга, Бурҳониддин Марғилонийни берди. Шу олим туфайли ислом дунёси Марғилон шаҳрини янада кўпроқ билди.

1219-1220 йилларда бутун Марказий Осиё ерлари қатори Марғилон шаҳри ҳам ер билан яқсон қилинди. Бу ердаги масжид-у мадрасалар, шаҳарнинг маъмурий бинолари бузилди.

Темурийлар даврида Марғилон шаҳри беклари мамлакатнинг бирлигини мустаҳкамлаш, иқтисодини кўтариш ишларида актив қатнашдилар. Аммо соҳибқирон Амир Темур вафотидан кейин мамлакат парокандаликка юз тутди. Бутун мамлакатни бошқариш Абу Саид Мирзонинг ўғилларига бўлиб берилганлиги туфайли Фарғона водийсини бошқариш Умар Шайх Мирзо тегади. Фарғона Умар Шайх Мирзо даврида ўзининг бутунлигини сақлаб қолди. 1499 йилда Умар Шайхдан кейин ёш Бобур Мирзо тахтга ўтирди. 1504 йилда Фарғона водийсини Шайбонийхон томонидан босиб олиниши туфайли, унинг барча худудлари Бухоро амирлигининг чекка бир худудига айланган эди.

XVII асрда мустақил Қўқон хонлиги тузилди. XIX асрнинг бошларида Қўқон хонлигига элчи сифатида келган Филип Назаровнинг ёзишича, Қўқон хонлигига қарашли Марғилон шаҳрида ҳунармандчиликни анча тараққий этганлигини кўрсатади. Айниқса, ҳунармандчилик маҳсулотларини ичида ипакчилик жуда тараққий этганлигини кўрсатади. Турли соҳалар ривожланган бўлишига қа-

11 «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти ТОШ-КЕНТ

рамай Марғилоннинг иқтисодини асосий қисмини савдо-сотиқ ташкил этган. Бунда Марғилон шаҳарининг Буюк Ипак йўлининг ёқасида эканлиги, шарқда Қашқардан Самарқанд ва Бухоро томон олиб келинадиган, аксинча Қашқарга олиб бориладиган молларни савдо сотиғида катта рол ўйнади. Марғилоннинг ўзи эса ипакчиликка тобора ихтисослаша борди.

« Фарғона бир мамлақати қадим ва аҳолийи надим ўлиб, аввали вақтларда мўғулиядан сўнг эдики, ҳар санада неча минг сўмлик мансухот ифак, атлас ва адрас ва беқасаб ва шоҳи атроф-акнофга торқолмоқда эди. Бухородан

то Ҳиндустон ва Арабистонгача бу Фарғона ашёлари жорий эди. Бу Фарғона аҳлида бир хил калимлари бўлурки, исмини хидир шоҳи дерлар. Қийматда, рангда, маҳкамликда ва тозаликда Кошғару Қипчоқий, Қирғизий ва Қорақалпоқий калимлардан икки чанд баҳода сотилур». (Исҳоқхон тўра Ибрат. « Тарихи Фарғона» асари).

Марғилон шаҳри Қўқон хонлиги ҳудудида ўзининг иқтисодий салоҳияти, маданий ҳаётида тутган ўрни жиҳатидан Қўқондан кейинги энг йирик шаҳарлардан бири ҳисобланган. Марғилон шаҳридан етишиб чиққан мутафаккирларнинг нафақат бизнинг юртда, шунингдек, бутун ислом дунёсида етакчи ўринларни эгаллаганлиги маълум. Жумладан, Бурҳониддин Марғиноний ёзган «Ҳидоя» асарида ислом ҳуқуқи, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатлари, мулкӣ муносабатларнинг ҳуқуқӣ асослари, давлатнинг молиявий фаолияти, фуқароларнинг ҳуқуқларига, суд ишларига, оила негизига, давлат қурилишига алоҳида эътибор берди. Шунинг учун ҳам Бурҳониддин Марғилонийнинг «Ҳидоя» асари яқин пайтларгача бутун ислом дунёсида давлат ва жамиятнинг юридик асосларини ташкил қилди.

Фикримизча Бурҳониддин Марғиноний даврида ва ундан кейинги даврларда қурилган меъморчилик обидалар, мўғуллар истилоси даврида йўқ қилиб юборилган бўлиши мумкин.

1504 йилда Шайбонийхон Фарғона водийсини забт этиб, уни

идора қилишни Жонибек Султонга топширди.

XVI асрнинг 70- йилларида Фарғонада сиёсий сахнага Султон Баҳодурхон кўтарилди. У 1570 йилда Мавлоно Мунир Марғилонийга вақф ажратиб бериш тўғрисида ёрлик чиқарди.

Марғилон бу давр манбаларида хунармандчилиги ривожланган, савдо маркази сифатида манбаларда тилга олинади.

XVII асрда Марғилон Бухоро хонлигининг чекка ўлкаси бўлиши билан бирга Имомқулихон, Абдулазизхон ва Субхонқулихон даврларида Марғилон маҳаллий амалдорлар томонидан бошқарилади.

XVIII асрда Минг уруғининг вакилларида бири ҳисобланган Раҳимбий Қўқон хонлигига асос солади. У дастлаб Қўқон ва Хўжанд худудидан иборат бўлса, кейинроқ Марғилон ва Андижон қўшиб олинади. 1770 йилда сўнг тахтни Норбўтабий эгаллаб, катта ўғли Мадаминбекни Марғилонга ҳоким қилиб тайинлайди.

XIX асрнинг 40- йилларида Бухоро амири Насруллохон Қўқонни қўлга киритиб, тахтга ўзининг вассали Иброҳим Ҳаёлни ўтказди. Аммо маҳаллий аҳолига бу нарса ёқмай, шаҳар аҳолиси унга қарши бош кўтаради ва «қўғирчоқ хон»ни Бухорога қараб қочишга мажбур қиладилар.

1876 йили Қўқон хонлиги Россия империяси томонидан босиб олинди. Янги Марғилон (ҳозирги Фарғона шаҳри) ташкил топиши муносабати билан Марғилон шаҳри «Эски Марғилон» деб айтилди.

Марғилон Қўқон хонлигидаги бекликнинг маркази сифатидаги аҳамиятини йўқотган бўлса ҳам лекин ўзининг иқтисодий ва савдо маркази сифатидаги моҳиятини йўқотмади. Бу шаҳарда хунармандчиликнинг турли соҳалари тараққий этди. Айниқса бу ердаги шойи ишлаб чиқариш жуда ривожланди. Марғилон атласи, адраси айнан шу даврдан бошлаб машҳур бўла бошлади. Бу ерда ишлаб чиқарилган ипак махсулотлари Марсель (Франция), Истамбул (Туркия) ва Россиянинг Европа қисмига олиб кетилган.

Марғилонда Октябрь тўнтаришига қадар тадбиркорлик, янги хунармандчилик корхоналарини очиш, кўшимча даромад олишга интилиш, савдо-сотик ишларини олиб бориб даромад манбаига эга бўлишга қаршилиқ қиладиган кучлар йўқ эди. Аммо 1917 йил 1-ноябрида ҳокимият зўровонлик билан қўлга олингач, бундан норози бўлган миллий тараққийпарварлари томонидан Қўқон шаҳрида Туркистон мухторияти ташкил этилди. Демократик ва миллий тамойилларга асосланган Туркистон мухторияти бутун Ҳалқнинг орзу ва истаклари эди. Шунинг учун Марғилон шаҳри аҳолиси ҳам бу ижобий ўзгаришларда фаол иштирок этди. Аммо 1917 йилнинг 30 январида Туркистон ўлкаси халқ комиссарлари Туркистон мухториятини тугатиш учун ҳаракат бошлади. 1918 йил 14-февралдан бошлаб қизил аскарлар Қўқон шаҳри устига уч кун давомида тўплардан ўт очишиб, ҳокимиятни тўлиқ ҳарбий куч ёрдамида ағдаришди.

1924 йил охирида Ўрта Осиёда миллий ҳудудий чегараланиш ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон ССР ташкил топди.

1925 йил 29-январда Ўзбекистонда ҳам миллий маъмурий бўлиниш ўтказилиб, Фарғона дастлабки 7 та вилоятнинг биттаси бўлиб, Марғилон шаҳри эса шу номдаги туман маркази бўлиб қолди.

1927-1929 йилларда ер сув ислоҳати ўтказилди. Бу сиёсатнинг асосий мақсади мамлакатдаги ўзига тўқ бойларни алоҳида синф сифатида йўқотишдан иборат эди. Ҳудди шу сиёсат туфайли Марғилондаги жуда кўп хунарманд, деҳқон ва тадбиркорлар алоҳида синф сифатида тугатилди. Табиийки, мамлакатда олиб борилган бу мудҳиш сиёсат сабабли аҳвол оғирлашди ва норозилик чиқишлари, кўзғолонлар бўлди.

1935-1939 йилларда катағонлик сиёсатининг иккинчи босқичи амалга оширилди Шу билан бирга Марғилон шаҳрида кўплаб саноат корхоналари –пиллакашлик фабрикаси, иккита электр станцияси, пахта тозалаш заводи ва бошқалар қурилди.

Бундай ривожланиш урушдан кейинги йилларда ҳам амалга ошди.

Мамлакатда олиб борилган йирик шовинистик сиёсат, марказлашган мавкуравий, сиёсий иқтисодий таъзиқ ўз ишини кўрсатмасдан қолмади.

Марғилон шаҳри гуллаб-яшнашининг бошланиши фақат Мустақиллик даврига тўғри келди. Бу ерда ўнлаб маъмурий ва маданий маиший иншоотлар, Академик лицей ва касб-хунар коллежлари қурилди. Бурҳониддин Марғилоний маъморий мажмуаси ташкил этилди. Хозирги вақтда шаҳарда 10 дан ортиқ йирик, 100 дан ортиқ кичик саноат корхоналари мавжуд. Бу корхоналарнинг ичида энг етакчи ўринни тўқимачилик корхоналари ташкил этади. Марғилонлик хунармандлар ишлаб чиқарган шойи, адрас маҳсулотлари кўплаб халқаро танловларда иштирок этиб, доимо фахрли ўринларни эгалаб келмоқда.

Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги муносабати билан шаҳарнинг тарихий-меъморий обидаларида таъмираш ишлари ўтказилди. Жумладан «Пир Сиддик», «Улуғмозор» мажмуаларида ва «Сайид Аҳмадхонхўжа» мадрасасида таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Ўтмишда коммунистик мафкура ҳукмронлик қилган йиллари маданий обидаларга бўлган муносабат мутлоқо бошқача бўлганлигини унита олмаймиз. Чунки масжид, мадраса каби иншоотлар атеистик сиёсатнинг қурбонига айландилар. Бу ҳудуддаги юзлаб масжид ва мадрасалар бузиб ташланди, қолганлари эса мутлоқо кераксиз мақсадларда ишлатилди.

Аслида Марғилон шаҳри Бобур замонида ҳам гуллаган, яшнаган шаҳарлардан бири эди. XIX асрнинг ўрталарига келиб эса унинг мудофа деворларидан ном-нишон ҳам қолмади. Шералихон даврида шаҳарнинг атрофи пастки қисми 2 м, юқори қисми 70 см. ли девор билан ўраб олинган.

Шаҳарнинг уй-жой қурилишларида, маъмурий-маиший, диний иншоотларни қурилишида синчлардан кенг фойдаланилган. Йирик биноларни қурилишида ёғоч тўсинлар, айвон оралиғи узун бўлган

биноларда эса харилар ишлатилиб, улар устунларга ўрнатилган. Жуда кўплаб масжид ва мадрасаларнинг ҳажми катта ёки кичиклигига қараб туриб тўсин, хари ва устунларнинг сони кўпайган ёки озайган. Жуда кўплаб йирик бинолар қўшсинч усулида қурилган бўлиб, уларнинг оралиғи ғишт ёки гувала билан тўлдирилган. Бундай тарздаги қурилиш услуби иморатни сейсмик жиҳатдан мустаҳкамлигини оширишдан ташқари биноларнинг ичкари томондан токчалар қилишга имконият яратган. Йирик биноларнинг шифтлари вассалари билан безатилган, «ҳовузчалар» ясалган. Масжид, мадраса ва кўплаб бой хонадонларнинг деворларига, шифтларига хаттотлик санъати билан, ганкорлик усули билан безатилган. Масжид бинолари ёпиқ бино, яъни қишки номозхона ва унга туташган-бир, икки ёки уч томондан айвонлари ва ҳовлисига эга бўлган. Ҳовли бўйлаб ғуслхона, таҳоратхона, мактаб ва бир неча хўжалик бинолари жойлаштирилган.

Жомъе масжидлари анъанавий равишда шаҳарнинг марказида уч айвонли қилиб қурилган. Ҳудди шундай масжидлардан бирини Худоёрхоннинг иниси Султон Муродбек Марғилон шаҳрига ҳоким қилиб тайинланиши арафасида (1850-1860 йй) қурилган деб тахмин қилинади. Унинг ҳажми 35x21 метр ўлчамдаги хийла йирик иншоот бўлиб, қишки намозхона ва унга уч томондан ёндош солинган серустун айвондан иборат. Иморат қўшқават синч қилиб қурилган. Қишки намозхонанинг ёғоч шифти тўртта устунга ўрнатилган. Шифт харилар орқали тўққиз мурабба қисмга ажратилган. Марказдаги мурабба нисбатан баланд бўлиб, ичига ўймақори ёғоч ҳовузча қилинган. Серустун айвон марказий бинони шимол, шарқ ва жануб томондан ўраб турган.

Марғилонда кўплаб масжид ва мадрасалардан ташқари жуда кўплаб зиёратгоҳлар ҳам бўлган. Бундай зиёратгоҳларни қуришда бутун Моварауннаҳр минтақасига хос бўлган жиҳатлар билан бирга водийнинг меъморчилигининг ўзига хос хусусиятларини кўриш мумкин. Булар бир хонали пештоқли гумбазли иморатлар

бўлиб,пештоққа ишлов бериш, нақшли панжара билан тўсилган туйнукнинг борлиги, пештоқ тепасида эса тишли кунуралар ясалганлиги ҳамда бурчакларда кичик миноралар гулдастаси курилганлигида кўринади..

Хуллас, Марғилонда бутун Фарғона водийсига хос бўлган анъанавий меъморий мактаб вужудга келади. Бу мактабнинг асосий хусусиятлари кўшсинч усули билан кўтарилган деворларнинг мавжудлиги, деворларида муайян токчаларнинг бўлиши, устунли, харили, вассали, «ҳовузли» шифтларнинг бўлиши билан характерланади.

Энг муҳими иморатларнинг юқорида саналган қисмлари ислимий нақшлар, ўсимлик ва гулсимон, араб ёзуви шаклдаги нақшлари устунларга, ҳари ва вассаларга аввалдан рангли қилиб солинган кўринади.

Марғилоннинг сўнгги уч юз йил ичида яратилган меъморий обидаларини ўзбек халқининг бой маданий мероси ва маънавий жунёқарашининг ёрқин намунаси сифатида дунё жамоатчилигига намоёиш этишга ҳақлидир. Бизнинг арзимас хизматимиз сабабли уларнинг умри янада узайса нур устига аъло нур бўлур эди.

Ўрни келганда, ушбу манбани тайёрлашда яқиндан ёрдам берган Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви ва Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи ходимларига самимий миннатдорчилик билдираимиз. Айниқса, тарих фанлари докторлари Муҳаммаджон Исомиддинов ва Боқижон Матбобоевлар ҳамда Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи директори Баходир Ҳошимовларнинг қимматли маслаҳатлари ва ўринли фикрлари билан китобнинг муҳим манба сифатидаги аҳамияти янада ортди, деб ҳисоблаймиз.



ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Азимов И. Фарғона водийсининг архитектура ёдгорликлари. Тошкент «Ўзбекистон» нашриёти. 1986 йил.

Марғилон-2000. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. Тошкент. 2007 й.

Абдулахатов Н, Эшонбобоев Ў. «Марғилон маҳаллалари тарихидан» (Машад даҳаси 1-китоб). Андижон нашриёти. 2012 й.

Абдулахатов Н; Эшонбобоев Ў. «Кўхна Марғилон зиёратгоҳлари». Фарғона нашриёти. 2007 й.

Абдулахатов Н; Жабборов С; Абдуллаев А. «Фарғона азизлари тақдири» (Аждодлар ёди). Тошкент: 2012 й.

М. Дадабоев. «Хўқанди латиф маҳаллалари ва кўчаларининг номланиш тарихи». «Фарғона» нашриёти. 2007 й.

Материалы для статистического описания Ферганской области. Результаты поземельно-податных работ. Выпуск II. Маргеланский уезд. Типогр. Ферганск. Областн. Правления. г. Н. Маргелань. (1899г)

Ўзбекистон архитектураси ва қурилиши. 4-2007. ООО «AI-VAIR». Тошкент.

Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий. /Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари Ш.Воҳидов, Д.Сангирова. – Т.: Маънавият, 1999.

Керенский О. М. Медресе Туркестанского края-СПб. 1892.

Абдуллаев Ю. Очерки по методике обучения грамоте в ўзбекской школе, Т. 1966. Т. 1991;

Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий, Бухоро тарихи. Форс тилидан А. Расулев таржимаси

Шамсутдинов Р. Т. Расулов Б. Туркистон мактаб ва мадрасалари тарихи (XIX аср охири ва XX аср бошлари). Андижон. 1995.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. ТОШКЕНТ Бурхониддин Марғилоний. Ал-Хидоя. Т, 1994;

Мухтасар (Шариат қонунларига қисқача шарҳ), Т., 1994.

«Жой номларининг қисқача изоҳли луғати». З.Дўсимов, Х.Эгамов «Ўқтувчи» нашриёти. Тошкент-1977й

«Жой номлари таъбири». Носиржон Охунов. «Ўзбекистон» нашриёти. Тошкент.1994й)

Бушков В. И. Сельские мечети Среднеазиатского междуречья // Среднеазиатский этнографический сборник. М.; 2001г.

Мундарижа

Мухаррирдан (<i>М. Ҳ. Исомиддинов</i>).....	3
Сўз боши	7
Бурҳониддин ал-Марғиноний мажмуаси	35
Пур Сиддиқ мажмуаси	36
Саййид Аҳмадхонхўжа мадрасаси	38
Жаҳон Отин Увайсий уй-музейи	41
Хўжа Маъоз зиёратгоҳи	42
«Мўйи муборак» зиёратгоҳи	43
«Киргил ота мазор» зиёратгоҳи	44
«Улуғ мазор» (Улуғ ота) зиёратгоҳи	45
«Хожа Муҳаммад Порсо» зиёратгоҳи	46
«Шоҳ Мансур» зиёратгоҳи	47
«Каптарли мазор» масжиди	47
«Чақар» Саййид Жалолхон тўра масжиди	49
«Хожа Порсо» (Исабой ҳожи) масжиди	51
«Ширмонпаз» масжиди	52
«Хонақоҳ» масжиди	54
«Ҳазрати Домила хонақоҳлари»	56
«Мўйи муборак» (Орифбойвачча) масжиди	57
«Найман» масжиди	58
«Торон бозор» масжиди	59
«Етти тут» масжиди	60
«Жума» масжиди	61
«Қозиён масжиди» (мадраса)	62
«Хўжа Эгиз» комплекси	64
«Думба жўш» масжиди	65
«Товоқчи бой» масжиди	66
«Жаҳр масжиди»	67
«Чилли гузар» масжиди	68
«Жалойир» масжиди	70
«Ҳазрати Мулла» масжиди	72
«Сафилтўда» комплекси	73

«Чорчинор» масжиди	75
«Гала хумдон» (Худоёр ҳожи) масжиди	76
«Галатой» масжиди	77
«Қаландархона» масжиди	78
«Эрвоҳид бува» масжиди	79
«Сирли» масжид	80
«Валихон тўра» уйи	81
Хулоса ўрнида	83
Фойдаланилган адабиётлар	93

Илмий-оммабон нашр

*Расулжон Мирзааҳмедов,
Азизбек Муртазаев, Асилбек Муртазаев*

МАРҒИЛОН ЗАМИНИ ЖАВОҲИРЛАРИ

Муҳаррир:	Ҳ.Бойбобоев
Техник муҳаррир:	Н.Ҳошимов
Саҳифаловчи:	С. Ҳасанов

Нашриёт лицензияси. АИ №162. 2009 йил 14 август.
Теришга берилди: 00.00.2013 й. Босишга рухсат
этилди: 00.00.2014 й. Нашриёт босма тобоғи 7,0. Шартли
босма тобоғи 7,5. Қоғоз бичими 70x100_{1/16}. Times New Roman
гарнитураси. Офсет усули. Адади: 1000 нусха.
Буюртма №_____. Баҳоси келишилган нарҳда.

«Фарғона» нашриёти.
150100. Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.

«КО‘НИ-NUR» МЧЖ босмаҳонаси.
100097. Тошкент шаҳар, Бунёдкор шоҳкўчаси, 44-уй.